БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 75 (1337) | 15 апрель, чоршанба, 1959 йил. | Баҳоси 20 тийин

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Етти йилликнинг ҳар бир корхона ва қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз томонидан тўла ва ошириб бажарилиши учун курашингиз! Етти йилликни муваффақиятли бажариш — халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада ошириш гаровидир!

(КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил 1 Май муносабати билан чиқарган чақириқларидан).

ҒАНИШЕР ЮНУСОВ БРИГАДАСИ — 50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ТАШАББУСЧИСИ

Шонли етти йиллик планнинг биринчи йили топшириғини муваффақиятли бажариш иштиёқи билан тўлиб-тошган колхозчи деҳқонларимиз шу кунларда кўкламги дала ишларини кучайтириб, барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқдалар, баҳорги экишни қисқа муддатда юқори сифатли ўтказиш учун зўр гайрат билан кураш олиб бормоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1959 йил 1 Май муносабати билан чиқарган Чақириқлари бутун совет халқи каби колхозчи деҳқонларимизнинг ҳам сиёсий активлигини, гайрат ва ташаббусини кучайтириб юборди. Улар партиямиз Марказий Комитетининг Чақириғига жавобан бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам яхшироқ ва унумлироқ ишлаш, ҳар бир қулай фурсатдан тўла фойдаланиб, экишни зўр уюшқоқлик билан сифатли ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Колхозчилар, совхоз ва РТС-ларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Ватанга дон, гўшт, сут, жун, тухум, пахта, зиғир, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини бутун чоралар билан ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун курашингиз!

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун курашда колхоз қишлоғининг олтин фонди ҳисобланган мўл ҳосил усталари, илғор тажрибакорлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг атоқли новаторлари олдинги сафда бормоқдалар. Областимиз колхоз ва совхозларида социалистик қишлоқ хўжалигининг битмас-туганмас резервларидан моҳирлик билан фойдаланаётган Ҳамроқул Турсунқулов, Абдужамил Матқобилов, Абдулла Ортиқов, Ким Пен-Ҳва, Турсунбой Латипов, Абдуқодир Шукуралиев, Валентин Тюшко, Насиб Бекиров, Ғанишер Юнусов, Фармонқул Суяров, Ҳакимполвон Қодиров, Ҳакимжон Рустамов каби юзлаб миришкор пахта усталари етишиб чиқди. Халқимиз улар билан ҳақли равишда фахрланади ва илғор новаторлар сафини тоббора кенгайтириб бориш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, атоқли пахта устаси Ғанишер Юнусов қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ана шундай новатори, Мирзачўлни гуллаб-яшнаётган «оқ олтин» водисига айлантиришда актив иштирок этган шерларнинг биридир. Ғанишер Юнусов ўз бригадасининг аъзолари номидан областимиздаги барча трактор-далачилик ва далачилик бригадаси аъзоларига ёзган очиқ хати муҳокама қилинмоқда. Улар Ғанишерлар ташаббусини яқдиллик билан маъқуллаб, кам меҳнат сарф қилиб мўл ҳосил олиш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан янги ошириган мажбурият олмоқдалар. Район партия комитетлари, колхоз, совхоз ва РТС бошланғич партия ташкилотлари бу муҳокамани ишчанлик билан, ҳамма имкониятларни ҳисобга олиб ўтказишлари, тантанабозлик ва дабдабага йўл қўймасдан, олинган юксак мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган тадбирлар ишлаб чиқишлари керак. Ғанишерлар сафини — 50 центнерчилар ҳаракатини кенгайтириш, бу ҳаракатга қўшилган бригаданинг ҳар бир аъзосини олинган мажбуриятни бажариш учун фидокорона курашга отлантириш, пахта ҳосилини ошириш учун социалистик мусобақа байроғини йил бўйи баланд кўтариб бориш — партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов бригадасининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлайлик, бригадалар ўртасида 50 центнерчилар ҳаракатини кенг авж олдирайлик!

рисида жуда кўп қайғираман. Мўл ҳосил етиштириб, ўзбек халқининг пахта етиштиришни кўпайтириш йўлида олиб бораётган олижаноб курашига ҳисса қўшсам, бу билан совет кишиларининг, шу жумладан оилам аъзоларининг фаровонлигини янада яхшилашга оз бўлса ҳам ёрдам берган бўламан».

Ғанишер Юнусов бошчилик қилаётган бригаданинг аъзолари етти йилликнинг биринчи йилида 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан юксак мажбурият олдилар. Улар илғор фан ютуқларини ва комплекс механизацияни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиб, барча майдонга 60×60 схемаси бўйича квадрат-уялаб чигит экишга, алмисоқдан қолган кетмонни ғўза парваришидан сиқиб чиқаришга ва бутун пахта ҳосилининг 60—70 процентини машинада териб олишга қарор қилдилар.

Область партия комитетининг бюроси хўжалик ҳисобига кўчган бу бригада аъзоларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади ва район партия комитетлари ҳамда колхоз, РТС ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Ғанишер Юнусов бригадасининг ташаббусини кенг ёйиш ва бу ҳаракатни ҳамма ерда оммалаштириш вазифасини юклади.

Совет жамиятининг ажойиб фазилати шундаки, бу жамиятда меҳнаткашларнинг ҳар бир ижодий иши, янги ташаббуси миллион-миллион кишиларнинг мулкига айланади ҳамда олға қараб қилаётган ҳаракатимизни тезлаштиришга ёрдам беради. Партия ташкилотларининг вазифаси — Ғанишер Юнусов бригадаси аъзоларининг ватанпарварлик ташаббусини кенг оммалаштиришдан, областимиз колхоз ва совхозларида 50 центнерчилар ҳаракатини ҳар тарафлама кучайтириб юборишдан иборат. Биз 50 центнерчилар ҳаракатини кенгайтириб, ҳар бир бригада ва звенода ҳосилдорликни кескин ошириш учун сабот билан жиддий кураш бошласак, мавжуд имконият ва ички резервлардан моҳирлик билан тўла фойдаланса к — фақат мана шунинг ҳисобигагина областимиз бўйича давлатга яна 10 мингларча тонна қўшимча пахта етказиб беришимиз мумкин. Шунга эришайликки. Ғанишер Юнусов бригадаси аъзоларининг очиқ хати ҳамма бригада ва звеноларда кенг муҳокама қилинсин, гектар ҳосилига ҳосилдорликни ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ҳақида улар бошлаган ташаббус қўллаб-қувватлансин ва кенг оммалаштирилсин.

Ҳозир колхоз ва совхозларда Ғанишер Юнусов бригадаси аъзоларининг областимиздаги барча трактор-далачилик ва далачилик бригадаси аъзоларига ёзган очиқ хати муҳокама қилинмоқда. Улар Ғанишерлар ташаббусини яқдиллик билан маъқуллаб, кам меҳнат сарф қилиб мўл ҳосил олиш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан янги ошириган мажбурият олмоқдалар. Район партия комитетлари, колхоз, совхоз ва РТС бошланғич партия ташкилотлари бу муҳокамани ишчанлик билан, ҳамма имкониятларни ҳисобга олиб ўтказишлари, тантанабозлик ва дабдабага йўл қўймасдан, олинган юксак мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган тадбирлар ишлаб чиқишлари керак. Ғанишерлар сафини — 50 центнерчилар ҳаракатини кенгайтириш, бу ҳаракатга қўшилган бригаданинг ҳар бир аъзосини олинган мажбуриятни бажариш учун фидокорона курашга отлантириш, пахта ҳосилини ошириш учун социалистик мусобақа байроғини йил бўйи баланд кўтариб бориш — партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов бригадасининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлайлик, бригадалар ўртасида 50 центнерчилар ҳаракатини кенг авж олдирайлик!

«Дўстларим, пахтакор биродарларим, — дейди Ғанишер, — мўл ҳосилнинг пойдевори яратилаётган ҳозирги кунларда чин қалбимдан чиқариб сизларга, ҳамқишлоқларимга мурожаат қилаётирман.

Менинг етти фарзандим бор: бири қиз, бештаси ўғил, еттинчи, энг кенжа фарзандим Пахта! Мен лоф қилаётганим йўқ. Муболаға эмас, шу еттинчи фарзандимга, бошқа ҳамма болаларим сингари меҳр билан қарамоқдаман. Умримнинг кўп қисмини шунга сарфладим. Ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялаш тўғрисида қанчалик кўп ғамхўрлик қилсалар, кейинчалик болалар ҳам ўз ота-оналарига шунчалик меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан қарашади. Бу ҳаммага маълум ҳақиқатдир. Пахта тўғрисида ҳам худди шундай деб айтиш тўғри бўлади. Шунинг учун ҳам мен ғўза парвариши тўғ-

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРАМИЗ!

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш етти йиллик планини муддатидан олдин бажариш юзасидан Андижон область, Ленин район қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг мажбурияти ва район партия комитетининг тадбирлари

КПСС XXI съездининг тарихий қарорлари барча совет кишилари сингари Ленин район меҳнаткашларининг ҳам сиёсий ва меҳнат активлигини мислсиз ошириб юборди, коммунистик қурилишнинг съезд қабул қилган улуғвор программасини амалга ошириш учун уларга янги кучгайрат бағишлади.

Партия XXI съезди чақириғига жавобан Ленин районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун мамлакатда кенг авж олиб кетган ватанпарварлик ҳаракатига қўшилдилар.

Съезд қарорлари ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида»ги докладини колхозчилар, РТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишларида кенг муҳокама қилинди, бу йиғилишларда колхоз ишлаб чиқаришида эришилган муваффақиятларга ва мавжуд ички резервларга таянib, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш тадбирларини белгилаб чиқилди, бунда асосий эътибор район қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада ривожлантиришга қаратилди.

ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН

Район меҳнаткашлари реаль имкониятларга асосланиб, пахта етиштириш юзасидан етти йиллик планда белгиланган даражага 4 йилда эришиб, пахтанинг ялпи ҳосилини 1962 йилда 40.500 тоннага етказишга қарор қилдилар.

Пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган даражага асосан, пахта ҳосилдорлигини янада ошириш йўли билан эришишни таъминлаймиз, ҳосилдорликни 1959 йилда гектарига 33,5 центнерга, 1962 йилда эса 35 центнерга етказамиз. Шу билан бирга тўғри алмашлаб экилган, квадрат-уялаб чигит экиб, ғўзани кетмонсиз парвариш қилишни ва пахтани машинада теришни ҳамда фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этишни ҳосилдорликни оширишнинг асосий ва ҳал қилувчи резерви деб ҳисоблаймиз.

1959 йилдаёқ деҳқончилик маданиятини кескин ошурамиз, ҳамма майдонларга режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экамиз ва ғўзани механизмлар билан икки томонлама парвариш қиламиз, камида 70 та комплекс механизациялашган бригада тузамиз, 1962 йилда эса меҳнатни ташкил этишнинг янги формасига батамом кўчамиз ва ҳамма майдонда ғўзани кетмонсиз парвариш қиламиз. Колхоз ишлаб чиқаришида пахта териш машиналаридан кенг фойдаланамиз ва бу йил пахта ҳосилининг камида 30 процентини, етти йиллик охирига бориб эса 80 процент майдондаги ҳосилни машинада териб оламиз.

1965 йилгача райондаги барча колхозларда пахта-беда алмашлаб экишини жорий қиламиз, умумий экин майдонига нисбатан 25-30 процентгача бедапоя бўлишини таъминлаймиз. 2200 гектар янги ерни ўзлаштириш йўли билан экин майдонларини кенгайтирамиз, шундан 400 гектарини 1959 йилда ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги оборотига киргизамиз.

Бу йил Кўчган массивида 15 километр узунликдаги янги канални қуриб битказиб, фойдаланишга топширамиз, «Чек» каналини чуқурлаштирамиз; колхозлараро ва колхозлар ичидаги ирригация шахобчаларини реконструкция қиламиз ва мукаммаллаштирамиз, «Социализм», Серго номли ва «Партия XX съезди» колхозларининг ерларини мелиоратив жиҳатдан яхшилаш тадбирларини амалга оширамиз.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН

Барча турдаги чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини кескин ошириш йўли билан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан етти йилликда белгиланган топшириқни беш йилда бажариб, гўшт етиштиришни 1963 йилда 12.800 центнерга, сут етиштиришни 44.800 центнерга, жун етиштиришни 500 центнерга, тухум етиштиришни 3 миллион 800 минг донага етказамиз. Етти йилликнинг дастлабки йилида давлатга 9.000 центнер гўшт, 28.500 центнер сут, 345 центнер жун, 2 миллион 300 минг дона тухум сотамиз.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган даражага етиш — 1963 йилда районда қишлоқ хўжалигидаги ҳар юз гектар ер ҳисобига ўртача 49 центнер гўшт, 300 центнер сут ва 1,9 центнер жун етиштириш имконини беради.

Барча турдаги чорва моллар туёғини кескин кўпайтириш учун ҳар 100 сигирдан камида 85 бузоқ, ҳар 100 совлиқ қўйдан 100 бош қўзи ва ҳар бир асосий урғочи чўчқадан камида 18 та бола олишни таъминлаймиз.

Подадаги моллар структурасини яхшилаймиз. Етти йиллик охиригача подада сигирларни 50 процентга, совлиқ қўйларни 70 процентга етказамиз.

Чўчқачиликни ривожлантиришга, чўчқачилик фермаларида бир марта бола олиш ва насларо чатиштиришни кенг жорий этишга алоҳида эътибор берамиз. Чўчқа болаларининг тўла сақлаб қолинишини ва гўшт учун олти-саккиз ойлиқ бўлганда тирик вазнини камида 80-90 килограммга етказиб топширамиз. Ҳар бир урғочи чўчқадан бир йилда тирик вазни ҳисобида камида 1,5 тонна гўшт оламиз.

Чорва молларни кўплаб бўрдоқига боқиб семиртиришни ташкил этамиз, давлатга нуқул семиз мол сотамиз, йирик қора молларнинг тирик вазни топширилаётганда камида 260 килограмм ва майда молларнинг вазни 50 килограмм бўлишини таъминлаймиз. Колхоз фермаларида етилтириб боқиш ва семиртириш учун колхозчилардан, ишчи ва хизматчилардан мунтазам суратда ёш моллар сотиб оламиз.

Район бўйича ҳар бир сигирдан согилдиган сут миқдорини 1958 йилдаги 1500 килограммдан 1963 йилда 2000 килограммга етказамиз, бир қўйдан 1958 йилдаги 2,0 килограмм ўрнига 1963 йилда 2,5 килограмм жун қирқиб оламиз.

Наслчилик ишларини яхшилашга, сигирлардан согиб олинадиган сутни кўпайтириш ва серёғ қилишга катта эътибор берамиз, қайвонларни сунъий усулда қочиришни кенг қўллаймиз, майин жун берадиган зотдаги қўйларни кўпайтирамиз.

Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш мақсадида бедапоялар майдонини 1963 йилда 2800 гектарга етказамиз, ҳар гектар ердан олинадиган қурук бедани 95-100 центнергача кўпайтирамиз.

Маккажўхори ва оқжўхори экинлари майдонини 1100 гектаргача кенгайтирамиз. Мамлакатнинг илғор маккажўхорикор механизаторлари Гиталов ва Мануковский ўртоқларнинг ташаббуси асосида барча колхозларда маккажўхори ва оқжўхори етиштирадиган махсус бригада ва звенолар тузамиз. Бедага маккажўхори ва оқжўхори қўшиб экиш усулини кенг жорий қиламиз. Маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан 35-40 центнерга етказиб дон ҳосили оламиз, икки марта ҳосил етиштириш йўли билан гектаридан камида 400-500 центнер силосбоп поя ва думбил сўта оламиз.

Ҳар йили бир сигир ҳисобига 12-15 тоннадан силос бостирамиз. Чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларнинг ҳаммасини етти йил ичида батамом машиналаштирамиз.

ПИЛЛАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН

Пиллачиликни ривожлантириш юзасидан етти йиллик планда кўзда тутилган даражага беш йилда эришамиз, 1963 йилда давлатга 340 тонна пилла топширамиз, бир қути қурт уруғидан олинадиган ҳосилни 55,2 килограммга етказамиз. 1959 йилда камида 310 тонна пилла етиштирамиз.

Етти йил давомида пиллачиликнинг озуқа базасини кенгайтирамиз; тут дарахтлари сонини 398 минг тупдан 700 минг тупга етказамиз. 1965 йилгача колхозларда 5 та умумий қуртхона қурамиз.

БОҒДОРЧИЛИКНИ, УЗУМЧИЛИКНИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН

Мева ва узум етиштириш юзасидан етти йиллик планни 6 йилда бажарамиз. 1964 йилда 1958 йилдагига нисбатан 8 баравар кўп мева ва 5 баравар кўп узум етиштирамиз, бунинг учун мевазор боғларни 195 гектар кенгайтирамиз ва 200 гектар ерда янги токзор қиламиз.

Картошка, сабзавот ва қовун-тарвуз етиштиришни кўпайтиришга жиддий эътибор берамиз, бу экинларни асосан ҳосилдорликни ошириш йўли билан кўп етиштирамиз. 1963 йилда 7630 тонна картошка ва сабзавот, яъни 1958 йилдагига қараганда 5,5 баравар кўп картошка ва сабзавот етиштирамиз. Бу эса район аҳолисининг картошка ва сабзавотга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш имконини берди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)



Ўрта Чирчиқ районидаги Кўкбишев номли колхозда чигит экиш тез ва сифатли ўтказилмоқда. Суратда: колхознинг 9-бригадасида чигит экиш пайти. М. Шевелев фотоси.

ТАРИХИЙ ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАНИШИ

СССР саноатининг 1959 йил 1 квартал давлат планини бажариш якунлари тўғрисида

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахборотида айтилдики, саноат ходимлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун авж олиб кетган социалистик мусобақа асосида 1959 йил I квартал планини муваффақиятли бажаришни таъминладилар.

СССР саноати 1959 йил I кварталда ялпи маҳсулот чиқариш планини, дейилади ахборотда, 105 процент бажарди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1958 йилнинг I кварталига нисбатан 11 процент кўпайди.

Барча иттифоқчи республикалар саноати квартал планини умуман ялпи маҳсулот бўйича ва энг муҳим маҳсулот турларининг кўпчилиги бўйича бажарди.

Халқ хўжалиги кенгашларининг саноати квартал планини ялпи маҳсулот чиқариш бўйича 105 процент бажарди. Шу билан бирга, барча халқ хўжалиги кенгашлари I квартал планини тўла ва ошириб бажардилар.

Саноатнинг айрим тармоқларида ялпи маҳсулот чиқариш 1958 йил I кварталидагига нисбатан қуйидагича кўпайди:

Қора ва рангли металлургия бўйича — 9 процент, ёқилги ва энергетика саноати бўйича — 8 процент, машинасозлик ва металл ишлаб чиқариш бўйича — 13 процент, кимё ва резина саноати бўйича — 11 процент, бинокорлик материаллари саноати бўйича — 25 процент, ўрмончилик, қоғоз ва ёғочсозлик саноати бўйича — 9 процент, енгил саноат бўйича—7 процент, озиқ-овқат саноати бўйича — 13 процент.

1959 йил I кварталда оғир саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. жумладан: чўян, пўлат, прокат, пўлат трубалар, кокс ишлаб чиқариш, темир руда, кўмир, нефть, газ чиқариш, тозаланган мис, цинк, алюминий, электр қуввати бензин, минерал ўғитлар, каучук, пластмассаларнинг кўп турлари, металл қирқадиган станоклар, тракторлар, қоғоз, цемент ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. Шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш 1958 йил I кварталдагига нисбатан қуйидагича кўпайди: чўян — қарийб бир миллион тонна, пўлат — 1,2 миллион тонна, прокат — 740 минг тонна, кўмир — 4 миллион 150 минг тонна, нефть — 3,4 миллион тонна, электр қуввати 6 миллиард киловатт-соатдан зиёд, цемент 1,3 миллион тонна.

Кенг истеъмол моллари: ип газлама, жун газлама, зиғирпоя толасидан тўқилган газламалар ва ипак газламалар, чарм пойафзал, радиоприёмниклар ва телевизорлар, мебель, шакар-қант, консервалар, гўшт, мол ёғи ва ўсимлик мойи, сут маҳсулоти, балиқ, совун ва бошқа кўпгина моллар пландан ошиқ ишлаб чиқарилди.

1958 йилнинг I кварталидагига нисбатан газламалар 66 миллион квадрат метр, чарм пойафзал қарийб 8 миллион жуфт, шакар-қант—426 минг тонна, давлат хомашё ресурсларидан ўсимлик мойи — 61 тонна кўп ишлаб чиқаришда. Чорвачилик маҳсулотлари давлат ресурслари кўпайганлиги натижасида 1959 йилнинг I кварталида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари — 125 минг тонна, мол ёғи — 15,2 минг тонна, сутга айлантириб ҳисоблаганда эса, бутун сут ва бошқа сут маҳсулотлари — 600 минг тонна кўп сотилди.

Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш плани 1959 йил I кварталда 103 процент бажарилди. Саноатда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг I кварталидагига нисбатан 7 процент кўпайди. (кўмир саноатида, қора металлургияда ва саноатнинг бошқа баъзи тармоқларида иш куни қисқартирилган ҳолда). (ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

АГРОТЕХНИКА ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Тошкент область ижроия комитети чигит экишда агротехника талабларига риоя қилиш масаласини кўриб чиқиб қарор қабул қилди.

Агротехника қоидаларига риоя қилиш, дейилади область ижроия комитетининг қарорида мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи шартдир. Бироқ Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Верхне-волинск ва бошқа бир қатор районларда чигит яхши тайёрланмаган ерларга экилаётганлиги, қатор ораларининг кенглиги ошириб юборилаётганлиги каби кўп фактлар аниқланди. Масалан, Қуйи Чирчиқ районидаги Красин номли колхознинг бригадири Ўртоқ Салимов яхши тайёрланмаган ерга 12 апрелдан чигит экишни бошлаб юборган. Бу бригадада тупроқ яхши ишланмаган, ер гумай ва бошқа бегона ўтларнинг илдизларидан тозаланмаган. Шу туфайли экилган чигитларнинг кўп қисми ернинг юзасига чиқиб қолган. Қатор ораларининг кенглиги 100 сантиметргача етган. Агроном Дусенов ва дала мудири Нуримбетов ўртоқларнинг иштирокида экиш ана шундай сифатсиз ўтказилган.

Чиноз районидаги партия XXI съезди номли, Бўка районидаги Сталин номли ва бошқа бир қатор колхозларда ҳам чигит экишда юқоридаги каби камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Текшириш натижасида шу нарса ҳам маълум бўлдики, баъзибир жойларда чизеллардан ўз ўрнида фойдаланилмаётир. Верхне-волинск районидаги Свердлов номли колхозда тупроқни юмшатишда яхши мослаштирилмаган чизеллардан фойдаланилган. Натижада иккинчи бригаданинг даласида қатқалоқлик рўй берган, бу чигит экишни кечиктириш билан бирга уни тўла ундириб олиш ишини ҳам қийинлаштиради.

Баъзибир бригадаларда тўла гектар учун курашилмаётир, чигит экишда ер бурчаклари марзалар ва карта охирлари қолдириб кетилмоқда. Кўпгина колхозларда ерлар эрта баҳорда бароналанмаганлиги учун далалар сер кесак бўлиб, тупроқда нам камайиб кетган.

Ана шу каби қатор фактлар шуни кўрсатадики, колхоз правлениелари ва агрономлар экиш ишларининг сифати устидан қаттиқ контроллик қилиб бормаётирлар. Ишга бундай муносабатда бўлиш келгусида ҳосилга катта зарар етказиши мумкин.

Область ижроия комитети область қишлоқ хўжалик бошқармаси, район ижроия комитетларининг раислиридан, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиқларидан ва колхоз правлениеларидан ерни экишга тайёрлаш устидан контролликни кучайтиришни, яхши текисланмаган ва бегона ўтлардан тозаланмаган ерларга чигит экилишига йўл қўймасликни талаб қилди.

Область ижроия комитети чигитни экишга сифатли тайёрлаш ва унинг яхши намланишини таъминлашни тавсия этди. Агарда чигит сертук бўлса унинг тушишини осонлаштириш мақсадида кул ёки қум билан тозалаш керак. Шунингдек, чигитнинг нормал ва белгиланган миқдорлари чуқурликка ташланиши, маркерларнинг тўғри ўрнатилиши ва қатор ораларининг кенг бўлиб кетмаслиги устидан контролликни кучайтириш тавсия қилинди.

Область ижроия комитети тўла гектар учун қатъийлик билан кураш олиб бориш, бурчаклар, марзаларни экишга ўз вақтида тайёрлаш ва у ерларга ҳам ўз вақтида чигит экишни таъминлаш зарурлиги ҳақида кўрсатиб ўтди.

Колхозларга қатталараро суғориш тармоқларини белгилаб чиқишга тезда киришиш тавсия қилинди.

Область ижроия комитети район ижроия комитетлари раислари, район қишлоқ хўжалик инспекциялари бошлиқлари ва колхоз правлениелари зиммасига икки кун ичида қатқалоқликни юмшатиш вазифасини юклади.

Квадрат-уялаб чигит экилган далаларда ротацион мотиғалар ёрдамида қатқалоқликни юмшатиш тавсия қилинди.

Область колхоз ва совхозларида чигит, маккажўхори ва оқжўхори экишнинг бориши тўғрисида 1959 йил 14 апрелгача бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Экилган чигитнинг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Экилган маккажўхори ва оқжўхорининг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш
Оққўрғон	41,1	40,9	44,5	17,5
Боёвут	17,1	12,7	31,5	51,8
Бекобод	26,1	26,3	61,8	47,5
Бўка	33,1	14,3	44,0	18,2
Верхне-волинск	22,0	23,2	28,8	61,0
Юқори Чирчиқ	15,8	6,9	29,8	16,9
Гулистон	21,8	21,3	42,2	44,8
Мирзачўл	13,0	14,1	8,2	5,5
Қуйи Чирчиқ	41,2	36,8	36,4	29,3
Орджоникидзе	35,5	14,3	48,8	9,0
Пискент	29,6	12,2	36,0	14,8
Ўрта Чирчиқ	19,6	6,5	34,9	17,3
Сирдарё	21,9	12,6	23,3	23,2
Чиноз	40,2	20,6	15,0	4,8
Янгийўл	45,5	31,9	60,1	31,8
Бўстонлиқ	—	—	15,3	—
Калинин	—	—	20,3	—
Қорасуғ	—	—	6,0	—
Паркент	—	—	2,3	—
Тошкент	—	—	25,4	27,2
Олмалиқ	—	—	0,4	—
Оҳангарон	—	—	—	—
Янгиер	—	—	9,1	14,3

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Андижон область, Ленин район қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган мажбуриятларини маъқуллади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Андижон область партия комитети зиммасига етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда Ленин районига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифасини юклади; область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, шунингдек қишлоқ хўжалик органлари зиммасига Ленин район партия ташкилоти ва барча меҳнаткашларининг етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги ташаббусини кенг ёйиш, ҳар бир колхоз, совхоз ва районга шу каби тадбирлар ишлаб чиқишда амалий ёрдам бериш, бу тадбирларни бажариш учун социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишни янги вазифалар даражасига кўтарайлик

Совет Иттифоқининг барча қардош халқлари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXI съездининг мамлакатимизда коммунизм қуришни кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини белгилаб берган тарихий қарорларини эўр ватанпарварлик завқи билан кутиб олдилар. Съезд қарорлари туфайли авж олиб кетган жуда катта сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ҳамда ишчилар, колхозчилар, совет зиёлилари янги вазифаларни амалга оширишга ниҳоят даражада катта ғайрат билан киришганликлари совет кишиларини етти йиллик планни бажаришни ўзлари учун энг муҳим ва жонажон иш деб ҳисоблаётганликларидан далолат беради.

Совет халқи Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги остида етти йиллик планнинг тўла ва оширилиб бажарилишига аминдир. Корхоналар ва қурилишларда, колхозлар ва совхозларда социалистик мусобақа тобора кенгаймоқда. Қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари ер юзида энг адолатли, энг гўзал жамият—коммунистик жамият қуришдек улуғ ишни рўёбга чиқармоқ учун қаҳрамонона меҳнат қилиш муъжизаларини кўрсатмоқдалар.

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга оширмоқ учун мамлакатимизда зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор. Етти йилликнинг контроль рақамлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини жадал ривожлантириш соҳасида анча ошган имкониятларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилди. Ҳар бир иттифоқчи республиканинг замонавий бақувват индустрияси, машиналаштирилган йирик қишлоқ хўжалиги, жуда кўп ўқув юртлари, илмий ва маданий-оқартув муассасалари, энг муҳими эса Совет ҳокимияти даврида ўсиб етишган ажойиб кадрлари бор. Мана шуларнинг ҳаммаси Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати тантана қилганлигидан далолат беради.

Совет Социалистик Республикалари кейинги йилларда партия XX съездининг тарихий қарорлари амалга оширилганлиги туфайли, Партия ва Ҳукуматнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қанча катта тадбирлари амалга оширилганлиги натижасида айниқса буюк ютуқларга эришди.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида катта ишлар қилинди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг орқада қолиб келган кўпгина участкалари саводли ва қобилиятли ёш ходимлар билан мустаҳкамланди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларидаги раҳбарлик мансабларида мутахассисларнинг сони сезиларлик даражада кўпайди. Республикамиз партия ташкилоти тарбиялаб етиштирган кадрлар йилдан-йилга янги тажрибалар билан бойимоқдалар ва партия ҳамда Совет ҳукумати қўйган энг мураккаб вазифаларни ишнинг кўзини билиб ҳал қилишга қодир эканликларини ўзларининг амалий ишлари билан бир неча марталаб исбот қилдилар.

Республикамизнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишдаги муваффақиятлари ҳаммага маълум. Лекин партиямиз таълим бериб, коммунистлар, ҳамма кадрларимиз қилинган ишларнинг натижаларига маҳлиё бўлиб қолмасинлар, эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб кетмасинлар, балки бу муваффақиятлардан коммунистик қурилишнинг ўсиб бораётган вазифаларини бажариш йўлидаги босқич тариқасида фойдаланиш-лар деб ўргатиб келмоқда.

Олга борганимиз сари кадрлар олдига қўйилаётган талаблар орта беради. КПСС XXI съезди, етти йиллик планни амалга оширишда партия ва давлат кадрлари биринчи даража роль ўйнайди деб кўрсатиб ўтди. «Партия ташкилотларининг буйруқ ва шуки, дейилади съезднинг ўрток Н. С. Хрушчев доклади юзасидан қабул қилган резолюциясида, улар кадрларимизнинг, ҳамма коммунистларни юксак талабчанлик руҳида, топширилган иш учун масъулиятни сезиш, халққа, коммунизм ишига содик хизмат қилиш руҳида тарбиялашлари лозим».

Ҳар бир ходим қандай мансабда бўлмасин, у ўзига топширилган ишни революцион жўшқинлик, большевикча ихтирос, юксак даражада принципиаллик ва уюшқоқлик билан бажариши, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиши лозим.

Аммо эришилган натижаларга ҳаддан ташқари ортиқ баҳо бераётган, хотиржамлика, манманликка берилиб кетадиган, ишдаги жиддий камчиликларни сезмай қолаётган, бу камчиликларга нисбатан муросачилик қилаётган раҳбарлар бизда ҳали ҳам учрайди. Бу эса, оқибат натижада, масъулиятсизликка, партия ва давлат интизомини қўпол равишда бузишга олиб келади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг март ойида бўлиб ўтган XI Пленуми Марказий Комитетнинг собиқ секретари Ўртоқ С. К. Камоловнинг ишидаги жиддий камчиликлар ва хатолар тўғрисидаги масалани большевикча принципиаллик ва кескинлик билан муҳокама қилди. Пленумда республика Министрлар Совети ва унинг собиқ раиси Ўртоқ М. З. Мирзаахмедов фаолиятидаги катта камчиликлар ҳам очиб ташланди. Маълумки, Камолов ва Мирзаахмедов Ўртоқлар ўзлари ишлаб турган вазифаларидан озод қилиндилар ва Марказий Комитет Бюроси составидан чиқарилдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети 1957 йилнинг охирида Ўртоқ С. К. Камоловни Марказий Комитетнинг биринчи секретари вазифасига ва Ўртоқ М. З. Мирзаахмедовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раислигига кўтариб, уларга юксак ишонч билдирган эди. Бироқ, Камолов ва Мирзаахмедов Ўртоқлар бу ишончни меҳмадилар, ўзларини ҳеч бир гуноҳ қилмайдиган раҳбарлар деб ўйладилар, кибирланиб кетдилар, оммадан ажралиб қолдилар, мағрурлик қила бошладилар. Улар хўжалик ва маданий қурилишнинг бир қанча участкаларидаги жиддий камчиликларга индамай қараб туравердилар.

Ўртоқ Камолов ишда нотўғри усул ва методларни қўллади, партия интизомини ва коллектив раҳбарлик принципларини қўпол равишда бузди. У кадрларни танлаш ва жойлаштириш ишида хатоларга йўл қўйди, кўпинча бу масалаларни ошнаоғайнигарчилик мулоҳазаларини кўзлаб ҳал қилди.

Тўғри раҳбарлик қилиш шундан иборатки, кундалик вазифаларни ҳал қилишда олдинга қараб иш қилабериш, истиқболни кўра билиш керак. Лекин Ўртоқ Камолов республика ишлаб чиқариш кучларини перспектив ривожлантириш соҳасида ўз ташаббуси билан катта масалаларни кўтариб чиқмади ва идеология ишларига етарлик баҳо бермади. Бунинг окибатида партия ташкилотларининг фаолиятидаги мана шу жуда муҳим участкада жиддий камчиликлар рўй берди. Пахтачиликка раҳбарлик қилиш соҳасида етти йиллиқдаги асосий вазифани ҳал қилишга, ҳосилдорликни оширишга эътиборни жалб қилмади. Гарчи ўтган йил республика давлатга пахта топшириш планини бажарган бўлса ҳам, лекин иккита йирик пахтакор область — Тошкент ва Фарғона областлари, 20 район, 138 колхоз, бошқа областлардаги 29 совхоз давлат олдида ўз бурчларини тўла бажармай, анча қарздор бўлиб қолдилар. 367 колхоз ва 78 совхоз ҳар бир гектардан 20 центнерга етаретмас ҳосил олди.

Ўртоқ Мирзаахмедовга келганда у ўзи ҳақида қилинган таниқдлардан лозим бўлган хулосаларни чиқариб олмади, бу таниқдларга нисбатан юзакичилик қилди, кундалик вазифаларни ҳал қилишда сансалорликка йўл қўйди. Министрлар Совети, Госплан, республика министрликлари ва бошқармалари аппаратининг ҳамма звенолари бир-бири билан яхши боғланиб, пухта ишлашини таъминламади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми очиб ташланган камчиликларни ва хатоларни тезроқ тузатишга, халқ хўжалигига ва маданий қурилишга қилинаётган раҳбарлик даражасини оширишга, партиявий-ташкилий ва идеология ишлари даражасини оширишга каратилган амалий тадбирларни белгилаб берди.

Марказий Комитет Пленуми, ҳамма меҳнаткашларни, бутун куч ва воситаларни КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишга сафарбар қилиш, ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхознинг етти йиллик планни мудлатидан олдин бажаришини таъминлаш Ўзбекистон партия ташкилотининг энг муҳим вазифаси эканлигини уқдириб ўтди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумининг қарори шаҳар ва район партия активларининг йиғилишларида, партия комитетларининг пленумларида, бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинди ва ҳамма жойда яқиллик билан маъқулланди. Йиғилишлар принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтди, коммунистларнинг активлиги ва етуклиги ошганлигини, уларнинг камчиликларни йўқотишга қаттиқ интилаётганликларини ҳамда мамлакатимизда коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш соҳасида партия белгилаб берган режаларни муваффақиятли равишда амалга оширишдан ғоят манфаатдор эканликларини кўрсатди.

Ўзбекистон партия ташкилоти, республиканинг ҳамма меҳнаткашлари етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йилда республика олдида турган вазифаларни бажариш соҳасида ҳозир жуда катта ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Буни саноат ходимларининг биринчи квартал планини муваффақиятли бажариб ва пландан ташқари яна бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот берганликлари яққол кўрсатиб турипти. Қурилиш ташкилотлари ҳам ўзларининг иш суръатларини сезиларли равишда оширмоқдалар.

Колхозлар ва совхозларда умумхалқ социалистик мусобақаси кенгайиб бормоқда. Пахта етиштиришни кўпайтирамиз деб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажаришда қаттиқ бел боғлаган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари кўклам кечикиб келган бу йилги шароитда тўғилган қийинчиликларни қунт билан енгмоқдалар. мўл ҳосил олишга мустаҳкам негиз солмоқ, бу йил мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна пахта бермоқ учун кўкламги экишни энг яхши агротехника мудлатларида ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Республика партия ташкилоти КПСС XXI съездининг қарорларига, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети XI Пленумининг қарорига амал қилиб, саноатга, қурилишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларига раҳбарлик қилишни яхшилашга қаратилган конкрет ва амалий чораларни ҳозирданоқ кўрмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида пахтачиликни комплекс механизациялашга, биринчи навбатда чигитни квадратуялаб сеялкалар билан экишга, ғўза катор ораларини кетмонсиз ишлашни ва пахтани машинада теришни кенг жорий қилишга, алмашлаб экишларни жорий қилиш ва ўзлаштиришга, картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтиришга, маккажўхори ва оқжўхори экишни кенгайтиришга ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга, чорва моллар сонини бутун чоралар билан кўпайтиришга ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

КПСС XXI съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мақсадида партия ташкилотлари ўзларининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятларини кундан-кунга такомиллаштиришлари ва яхшилашлари, ҳамма жойда — ҳар бир корхона, ҳар бир колхоз, совхозда, ҳар бир муассасада ижодий меҳнат ва ишлаб чиқариш ғайратини юксак даражада ошириш вазиятини вужудга келтиришлари лозим.

Республикамизнинг, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма тармоқларида ишлаб турган юқори малакали жуда кўп кадрлари бор. Партия ташкилотларининг бурчи шуки, улар бундан буён ҳам кадрларимизни юксак талабчанлик руҳида, топширилган иш учун масъулиятни ошириш, партия, давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш, камчиликларга муросасиз бўлиш руҳида ва большевикча камтарлик руҳида тарбиялашлари лозим. Партия ички демократиясига қаттиқ риоя қилинишини, партия турмушининг ленинча принципларига ва нормалари мустаҳкам бўлишини, партияликлар оммасининг ижодий активлигини бутун чоралар билан оширишни, ишдаги камчиликларни йўқотишнинг ва кадрларни тўғри тарбиялашнинг кучли воситаси бўлган дадил ва принципиал танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдиришни таъминлаш керак.

Партия ташкилотлари идеология ишларини тинмай яхшилашлари, пропаганда ва агитация савиясини оширишлари, бу ишларнинг турмуш билан, коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлашлари лозим. Кадрларимизнинг иш малакасини ва назарий савиясини муттасил ошириш, уларни Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш айниқса муҳимдир.

КПССнинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган Ўзбекистон партия ташкилоти ташкилотчилик ва партиявий-сиёсий ишлар савиясини бутун чоралар билан ошириб, оммانинг ижодий активлигини янада юксалтиришни таъминлайди, КПСС XXI съездининг тарихий қарорларида республика олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажаради.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРАМИЗ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН

КПСС XXI съезди қарорларига мувофиқ, колхоз ишлаб чиқаришида ишлаб турган ҳар бир киши ҳисобига меҳнат унумдорлигини етти йиллиқда камида икки баравар оширамиз ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга меҳнат ва маблағлар сарфлашни кескин камайтирамиз.

Шу етти йилликда бир гектар ердаги ғўзани парвариш қилиш ва ҳосилини териб олишга сарфланадиган меҳнатни икки баравардан зиёд, бир центнер пахта етиштиришга бўладиган сарфни эса 5 иш кунидан 2,5 иш кунигача камайтирамиз.

1959 йилдаёқ ҳар бир центнер гўшт, сут, жуннинг таннархини камида 35-40 процент, етти йиллик охиригача эса икки баравар камайтиришга эришамиз.

Далачиликда комплекс механизацияни жорий қилиш, техникадан ғоят унумли фойдаланиш, чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштириш, электр ҳувватидан, фан ютуқлари ва илғор тажрибадан кенг фойдаланиш—меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи воситасидир.

Ҳар бир колхозда прогрессив иш нормаларини ишлаб чиқамиз ва уни жорий қиламиз, меҳнатнинг тўғри уюштирилиши ва ҳисобга олинишини таъминлаймиз. 1959 йилдан бошлаб барча колхозларда, бригада ва фермаларда хўжалик ҳисобини жорий қиламиз. «Сталинчи» ва «Социализм» колхозларида шу йил, қолган барча колхозларда яқин икки-уч йил ичида меҳнатга меҳнат куни ёзмасдан бевосита пул билан ҳақ тўлашга кўчамиз.

Товар маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтириш, колхозларнинг даромадини анча ошириш имконини беради, бунинг натижасида колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ва маданий-маиший аҳволи янада яхшиланади.

Колхозларнинг даромади 1958 йилдаги 127,9 миллион сўмдан етти йиллик охиригача 162,5 миллион сўмга кўпаяди, шу давр ичида бир йилда бўлинмас фондга ажратиладиган маблағ 26 миллион сўмдан 32 миллион сўмга чиқади, бу эса район колхозларида ишлаб чиқариш, маданий-маиший бинолар ва уй-жой қурилишини кенг авж олдириш имконини беради.

Етти йил ичида 1100 бош мол сиғадиган 10 та сигирхона, 1200 бош мол сиғадиган 10 та бузоқхона, 13 та чучқахона, 14 та қўйхонақўра, 8 та паррандахона, 7,2 минг тонна силос сиғадиган иншоот, 8 та гишт ҳумдон, 6 та типовой гараж қурилади. Шу давр ичида колхозчилар учун 5500 та уй қурамиз, барча колхозларда водопровод, 9 та мактаб, 10 та янги типда болалар боғчаси, 9 та ясли, 3 та касалхона, 9 та туғруқхона, 3 та клуб, 12 та қироатхона, 14 та колхоз ошхонаси ва 7 та ҳаммом қурилади.

Шу етти йилликда колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ фонди ортади. 1958 йилда 1 иш куни учун меҳнатга район бўйича ўрта ҳисобда 9 сўм 30 тийин ҳақ берилган бўлса, 1965 йилда 16 сўм 50 тийин берилади, бундан ташқари кекса ва инвалидларни таъминлашга, шунингдек болалар муассасалари учун ажратиладиган маблағ кўпайтирилади.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ВА ПАРТИЯВИЙ-ОММАВИЙ ИШЛАР ЮЗАСИДАН

Партия ташкилотлари белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ташкилий ва сиёсий ишлар савиясини оширадилар, бу соҳадаги ишларни район қишлоқ хўжалигидаги барча меҳнаткашларнинг кучғайратини етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун сафарбар этишга йўналтирадилар.

Хўжалик вазифаларини ҳал қилишда партия ташкилотлари ҳамда партия группаларининг ролини кўтарамиз, колхоз правлениеларининг ишлаб чиқариш фаолияти устидан колхоз партия ташкилотининг контролини кучайтирамиз.

Партия кучларининг колхоз ишлаб чиқаришида жойлаштирилишини яхшилаймиз, камида 75 коммунистни қўшимча равишда далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларига ишга юборамиз, колхоз партия ташкилотларидаги коммунистларнинг 85-90 процентининг бевосита ишлаб чиқаришда қатнашишига эришамиз.

Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилаймиз. Комсомолларни жой-жойига қўйишни тўғри уюштириб, ВЛКСМ аъзоларидан камида 95 процентининг колхоз ишлаб чиқаришидаги ҳал қилувчи участкаларда ишлашини таъминлаймиз. Шу мақсадда иккинчи даражали ишларда ишлаётган комсомоллардан 1959 йилда 130 кишини ва бу йил ўрта мактабни тамомлаётган комсомоллардан камида 300 кишини бригада ва фермаларга юборамиз.

Район комсомол ташкилотининг бу йил колхозларда комсомол-ёшлардан 11 та пахтачилик, 6 та ем-хашак етиштириш бригадаси тузиш ҳамда Марказий Фарғонадаги янги ерларни ўзлаштириш учун қўшимча равишда 50 комсомолни оиласи билан кўчириш соҳасидаги ташаббусидан кенг фойдаланамиз.

Колхозларни малакали қишлоқ хўжалик мутахассислари билан мустаҳкамлаймиз, бунинг учун район ташкилотлари ва корхоналардан 10 инженер-механикни, 4 агроном ва зоотехникни колхозларга доимий ишлаш учун юборамиз.

Колхоз кадрларини: далачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва ем-хашак бригадаларининг бошлиқларини, чорвачилик фермаларининг ходимларини, механизаторларни ўқитишни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил қиламиз. Шу мақсадда районда илғор тажриба мактаби ташкил қиламиз, колхозларнинг раҳбар ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг мунтазам суратда семинарларини, ишлаб чиқариш кенгашларини ўтказиб турамиз. Яқин йиллар ичида колхоз раислари, уларнинг ўринбосарлари ва ферма мудирлари махсус олий ёки ўрта маълумотли бўлишига эришамиз.

Оммавий-сиёсий ишларни ўтказишда асосий эътиборни партия XXI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларида қўйилган вазифаларни чуқур ўрганишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг онглигини ва активлигини ошириш соҳасидаги ишларни яхшилашга қаратамиз.

Агитаторлар составини ва уларнинг жой-жойига қўйилишини қайта кўриб чиқамиз, анча яхши тайёргарликка эга бўлган коммунистларни, комсомолларни, ишлаб чиқариш илғорларини, қишлоқ зиёлиларини агитация ишларига жалб этамиз. Агитколлективларда ҳар етти кунда камида бир марта мунтазам суратда «Агитатор куни» ўтказиб борамиз ҳамда агитаторларнинг махсус мактабларда ўқишини ташкил этамиз.

Колхозларнинг узоқ жойлардаги ишлаб чиқариш участкаларида, чорвачилик фермаларида ва яйловларда доимий агитпунктлар ташкил этамиз, бу агитпунктлар учун кутубхоначалар, газеталар, журналлар ажратамиз ҳамда бу участкаларга лекторларни, кўчма киноларни ва агитбригадаларни мунтазам юбориб турамиз.

Ҳамма далачилик бригадаларидаги дала шийпонларини жиҳозлаб, уларни ғўза парвариши ва пахта терими даврида оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айлантирамиз, Дала шийпонларида болалар учун мавсумий майдончалар ва яслилар ташкил қиламиз.

Кўргазмали агитацияни яхшилаймиз. Барча дала шийпонлари, клублар, чойхоналар учун етти йиллик топшириқларини, етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни пропаганда қилувчи тахталар, стендлар, витриналар тайёрлаймиз. Бригадаларда, фермаларда, колхозларда социалистик мусобақа ва олинган мажбуриятларнинг бажарилиши қандай бораётганлигини кўрсатувчи тахталар ўрнатамиз.

Олинган мажбуриятларнинг бажарилиш якунларини далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларининг йиғилишларида мунтазам тўплаб борамиз, колхозлар ўртасида эса қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш даврлари бўйича тўплаймиз.

Коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдори деган номни олиш учун оммавий социалистик мусобақа ташкил этамиз, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларнинг иш тажрибасини ҳамиша ёйиб борамиз.

Оммавий-сиёсий ишларни ўтказишда радиоузеллардан, клублар ва кутубхоналардан кенг фойдаланамиз.

Мазкур тадбирлар ва мажбурият колхозчилар, механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида ҳамда район партия комитети пленумида муҳокама қилинган.

Катта Кремль саройида

14 апрелда Катта Кремль саройида бешинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг биринчи сессияси очилди.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский ўртоқлар, шунингдек КПСС Марказий Комитети РСФСР бюросининг аъзолари, РСФСР Олий Совети Президиуми, РСФСР ҳукуматининг аъзолари президиумга чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни гулдурос қарсаклар билан табрикладилар.

Оқсоқоллар кенгашининг топшириши мувофиқ, кекса депутат академик К. М. Биков қисқа нутқ сўзлаб, сессияни очди.

Шундан кейин сессия РСФСР Олий Советининг Раисини ва унинг саккиз ўринбосарини сайлайди. Депутат В. И. Прохоров Олий Советнинг Раиси қилиб сайланди.

Сессия қуйидаги кун тартибини қабул қилди:

1. Мандат комиссиясини сайлаш.
2. Доимий комиссияларни сайлаш.
3. Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва республикада халқ маориф системасини янада ривожлантириш ҳақида.
4. РСФСР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.
5. РСФСР Олий Совети Президиумини сайлаш.
6. РСФСР ҳукуматини тузиш.

Сессия кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилишга киришди. (ТАСС).

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Каноп ва жут экувчи колхозлар нинг область кенгаши.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. (**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан**). Дастлабки йилларда Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районлари колхозларида каноп ва жутдан жуда кам ҳосил олинар эди. Деҳқонларимиз қунт билан меҳнат қила бориб, бу қимматбаҳо ўсимликдан мўл ҳосил етиштиришнинг йўлларини, тилини ўрганиб олдилар. Каноп ва жут етиштиришнинг ажойиб усталари етишиб чиқди. Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, Андреев номли, «III Интернационал», Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь», «Политотдел», Свердлов номли колхозлар йил сайин ҳосилни ошириб бормоқдалар. Ҳосилдорликнинг ортиб бориши билан даромад ҳам кўпаймоқда.

КПСС XXI съезди нинг тарихий қарорлари луб экинлари экувчи анашу районларнинг меҳнаткашларини ҳам янгидан-янги галабаларга руҳлантириб юборди. Ҳар иккала район колхозчилари ҳам съезд қарорларини муҳокама қилиб, ўз имкониятларини тўла ҳисобга олганлари ҳолда етти йиллик планларини тузиб чиқдилар. Бу планда пахта ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бирга луб экинлари ҳосилини ҳам кескин ошириб 7 йилликни 6 йилда бажариш кўзда тутилган.

Ўтган душанба куни «Политотдел» колхозининг клубига йиғилган Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районининг колхозчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари худди ана шу масалани муҳокама қилиб, кенгашиб олдилар. Кенгашда Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари Й. Иброҳимов, Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг секретари Сотволдиев ўртоқлар, луб экинлари ҳосилини кўпайтириш соҳасида қилинган ишларнинг баъзибир натижалари ва галдаги вазифалар тўғрисида доклад қилдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг раиси Цой Иван Антонович, Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз бошлаги партия ташкилотининг секретари Ли Чер Сун ҳамда Юқори Чирчиқ район қишлоқ хўжалик инспекциясининг агрономи Колесникова ва бошқа ўртоқлар мунозарага чиқдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқларнинг гапларидан шу нарса маълум бўлдики, ҳар икки районда ҳам каноп ва жут етиштиришни янада кўпайтириш йўлида фойдаланилмаётган резервлар, механизациялаштириши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Ўтган йили Юқори Чирчиқ районидаги 10 та луб экувчи колхоздан 6 тасида, 75 та бригададан 31 тасида район бўйича етиштирилган ўртача 97 центнер ҳосилдан кам ҳосил олинди. Демак, ана шу колхозлар ва бригадаларни илғор колхоз ва бригадалар даражасига кўтариш ҳосилдорликни ошириш соҳасидаги муҳим резервлардан ҳисобланади.

Кенгаш қатнашчилари етиштирилаётган каноп ва жут маҳсулотларининг ҳар бир центнерига сарфланаётган меҳнат кунларининг кўпайиб кетаётганлигини қайд қилдилар. Бунга сабаб шуки луб экинлари парвариши ҳали тўла механизациялаштирилмаган, асосий ишлар қўлда бажарилади.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Луб экувчи колхозлар ҳозиргача ўзларининг махсус сеялкаларига эга эмаслар. Каноп ва жут лавлаги экиш учун мослаштирилган сеялкада экиб келинмоқда. Қатор оралари эса пахта культиватори билан ишланади. Буларнинг ҳаммаси ишнинг салмоғи ва сифатига албатта салбий таъсир қилмоқда. Луб экинлари ўрими асосан қўлда ўтказилмоқда. Каноп ўрими учун тавсия қилинган ЖК-2,1 маркали машина катта камчиликларга эга. Каноп поясини шилишга хизмат қиладиган НП-9 маркали машина эса луб экувчи колхозлар эга бўлган бирдан- бир машина ҳисобланади. Бироқ эндиликда бу машина эскириб қолди. Иш унуми жуда паст. Шу билан бирга кўп меҳнат талаб қилади. Бундай машина ишлатилганда ҳар бир агрегат учун 32-35 ишчи кучи керак бўлади. Шунинг учун ҳам колхозлар кўп ҳолларда четдан ишчи кучи ёллашга мажбур бўлиб маблағ сарфламоқдалар.

Фактлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик министрлиги луб экишга ихтисослаштирилган районларнинг иши билан чинакамига шуғулланмаётир. Ҳамма иш Тошкент халқ хўжалиги кенгаши ҳузуридаги пахта ва луб экинлари тайёрлаш ҳамда дастлабки қайта ишлаш бошқармасининг бошлиги Нормуҳамедов ва унинг ўринбосари Клейманга топшириб қўйилган. Илмий ташкилотлар, муассасалар каноп ва жут экувчи колхозларнинг экономикаси билан камдан-кам шуғулланадилар.

Каноп ва жут Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районида ўстирилишига қарамасдан луб экинлари тажриба станцияси Оржоникидзе районига жойлашган. Бу станция кўп ҳолларда райондан ажралган ҳолда иш олиб боради.

Демак, булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, конструкторларимиз каноп ва жут экишга мослаштирилган, уни парвариш қилиш, ҳосилини йиғиштириб олишга ёрдам берадиган машиналар ишлаб чиқишлари лозим.

Кенгашда каноп ва жут экинлари уруғлигини етиштириш соҳасидаги ишларни ҳам тубдан яхшилаш тўғрисида кўп гаплар айтилди. Негаки, кейинги йилларда районда етиштирилаётган каноп ва жут уруғликлари шу район колхозчиларининг ҳам эҳтиёжини тўла қондира олмади ва бунинг устига сифати пасайиб кетмоқда. Эндиликда каноп ва жут уруғликлари етиштиришга чинакамига киришиш керак. Бунинг учун эса каноп ва жут уруғлари етиштирадиган махсус бригада ва звенолар ташкил этиш, бу звеноларга тажрибали деҳқонларни бошлиқ қилиб тайинлаш лозим.

Бегона ўтлар, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳосилга кўплаб зарар келтиради. Зарпечакдан ҳар йили районда экинлар кўплаб зарарланади. Бироқ бегона ўтларга фақат қўл воситаси билан курашиб келинмоқда. Бунинг учун жуда кўп меҳнат куни сарфланади. Олимларимиз зарпечакнинг уруғини қуритиб юборадиган препаратлар яратиши жуда зарур.

Кенгаш қатнашчилари ана шулар сингари каноп ва жут етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ муҳим талабларни ўртага ташладилар.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Г. А. Габриельянц нутқ сўзлади. Область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Ғ. Ғуломов кенгаш ишига якун ясади.

Кенгашда ҳар иккала район колхозчилари номидан 1959 йилда каноп ва жут экинлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан оширилган мажбуриятлар олинди.

Кенгаш охирида Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ райони колхозларининг илғор кишиларидан бир группасига ўтган йилги эришган ютуқлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди, бир гуруҳ колхозчилар область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

Н. РИХСИЕВ.

Суратда: Кенгаш залида. В. Салов фотоси.

Ленин асарларининг ўзбек тилида нашр этилиши

В. И. Ленин ўлмас асарларининг ўзбек тилида кўплаб нашр этилиши Ленининг ғолиб идеялари ҳазинасини республика меҳнаткашлари кенг оммасига етказди. Владимир Ильичнинг асарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали томонидан таржима қилинмоқда.

Республика китоб палатасининг маълумотларига кўра, В. И. Ленин асарлари республикада совет ҳокимияти йилларида 400 мартадан кўп нашр этилган. Уларнинг умумий тиражи қариб олти миллион нусхани ташкил этади. «Нима қилмоқ керак?», «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи», «Кооперация тўғрисида» номли асарлар 10 марта ва бундан ҳам кўп марта, «Ёшлар союзининг вазифалари» брошюраси деярлик 20 марта нашр этилган.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти меҳнаткашлар улуғ йўлбошчиси ва устози Асарлари тўпламининг тўртинчи нашрига қўшимча томларни чиқариб бўлаётир. Кейинги вақтларда «Материализм ва эмпириокритицизм» номли китоб, В. И. Ленининг чет эл ҳарбий интервенцияси ва СССРда граждан уруши тўғрисидаги мақолалари ва нутқлари тўпламлари, «Адабиёт тўғрисида» ва «Ёшлар тўғрисида» номли тўпламлари «кўп нусхада босилиб чиқди. В. И. Ленининг бир қанча асарлари қорақалпоқ тилида алоҳида китоблар қилиб нашр этилди.

Бу йил Ленининг кўп асарлари нашр этилади. Китобхонлар «Россияда капитализмнинг ривожланиши» номли китобни, «В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақида» номли тўпламнинг иккинчи тўлдирилган нашрини, В. И. Ленининг ревизионизмга қарши мақолалари тўпламини оладилар. «В. И. Ленин тўғрисида хотиралар» китобининг иккинчи томи босмага берилади.

Мактаб ўқувчилари учун В. Д. Бонч-Бруевичнинг «Бизнинг Ильич» китоби нашр этилмоқда. (ЎзТАГ).

ҒАНИШЕР ЮНУСОВ БРИГАДАСИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ—ҚУВВАТЛАЙЛИК!

Бригадалар ўртасида 50 центнерчилар ҳаракатини кенг авж олдирайлик, чигит экишни тез ва сифатли ўтказиш учун бутун куч ва воситаларни тўла сафарбар этайлик!

☆ ☆ ☆

Бизнинг ҳиссамиз

Областимизнинг колхоз, совхозларида ташкил қилинган тракторлачилик бригадалари оддий далачилик бригадаларига қараганда афзаллигини кўрсатди. Бу бригадаларда ўтган йилнинг қийин шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Оз меҳнат ва маблағ сарфланди, маҳсулот таннархи анча арзонлашди. Меҳнатни ташкил қилишнинг бу янги формаси ҳосилдорликни ҳам, меҳнат унумдорлигини ҳам оширишда катта роль ўйнади.

Бу йил областимиз колхоз, совхозлари мамлакатга 460 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан юксак мажбурият олдилар, албатта мўл ҳосил етиштирамиз, деб қатъий аҳд қилдилар. Илғор бригадалар бу йил кам деганда 30—40—50 центнердан ҳосил етиштириш, ҳосилнинг асосий қисмини машинада териш учун курашмоқдалар. Гектаридан 20 центнердан кам ҳосил оладиган бironта ҳам бригада, звеконинг бўлмаслигига эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Кўп қатори мен ҳам бу йил тюпкочилар ҳаракатига қўшилдим. 23 колхозчи, 2 трактор ва бошқа керакли асбоблар билан таъминланганмиз. Биз бригада аъзолари билан маслаҳатлашиб, етти йилликнинг биринчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун чигит экишга намунали тайёргарлик кўрган ҳолда киришдик. Ана шу мақсад билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ғанишер Юнусовнинг 50 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги чақириғи бизни ҳам янги муваффақиятларга илҳомлантириб юборди. Биз ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб, 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 ўрнига 40 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдик. Бригадамиз ерларида мўл ҳосил етиштириш учун шароит мавжуд. Мен ва звено бошлиқларидан О. Олимов, Б. Холиқулов ўртоқлар тракторчимиз. Механизмлар ўз қўлимизда, улардан унумли фойдаланиб чигит экишни ҳам, ғўза парваришини ҳам намунали ўтказамиз ва етиштирилган мўл ҳосилнинг 70 процентини машинада териш учун ҳозирдан тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз.

Бизда 70 гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экиш планлаштирилди. Энг яхши карталар ажратилди. 30 гектарга тор қаторлаб чигит экиб, ғўзани машина билан ягана қиламиз.

Пахтакорлар етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажаришга отландилар. Бригадамиз аъзолари ҳам пахтачиликни ривожлантириб, социалистик мажбуриятни бажарадиган миқдорда ҳосил етиштиришга астойдил киришдилар. Биз ғўзани 4 марта узунаси ва кўндалангига трактор билан парвариш қиламиз. Бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмай чигит экамиз, тўлиқ гектар учун курашамиз. Чигит униб чиқиши билан хатоларига қўшимча чигит экиб, гектарида белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлишини таъминлаймиз. Ҳавонинг ҳар бир қулай фурсатидан тўла фойдаланиб, экишни қисқа муддатда тугаллаймиз ва ернинг намига ундириб оламиз. 1 Май байрамини ғўза парваришини оммавий равишда кучайтириш билан кутиб оламиз.

Я. СУЛТОНОВ,
Бўка районидаги Ленин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ғанишер Юнусов бошлиқ бригада аъзолари бошлаган ташаббус областимизнинг барча бригадаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Суратда: Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Э. Бўронбоев бошлиқ бригада аъзолари донгдор бригадир Юнусовнинг очиқ хатини муҳокама қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш ҳақида ўз зиммаларига қўшимча мажбурият олмоқдалар.

В. Салов фотоси.

☆ ☆ ☆

Марра—50 центнер

Мен кўп йиллардан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Пахтачиликни ривожлантириб, ҳосил ошаётгани туфайли бригадамиз ҳар йили пахта тайёрлаш планини тўла ва ортиғи билан бажаради, гектаридан 38-45 центнердан пахта бермоқдамиз.

Бизнинг бригадамизда ҳосил оширилаётган бўлса ҳам, бошқа бригадаларда анча камайиб кетаётир. Бунинг сабаби равшан. Биз ерларни кузда сифатли шудгор қилиб қўямиз ва қулай фурсат келиши билан ерларни текислаб экишга пухта тайёрлаймиз. Бригада аъзолари агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қиладилар ва мўл ҳосил етиштириш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни тўла амалга оширадилар.

Деҳқончиликдаги янги, прогрессив усул—квадрат-уялаб чигит экиш оддий экишга қараганда кўп жиҳатдан қулай. Илгарилари биз ҳам квадрат-уялаб чигит экишга у қадар эътибор бермас, бу иш қийиндек кўринар эди. Вақтида, тўғри экиб яшил квадратлар ҳосил қилинса, ҳеч қандай қийинчилик бўлмас экан. Оз меҳнат сарфланиб, катта майдонлардан мўл ҳосил олиш имконияти вужудга келар экан. Бир неча йилдан бери бригадамиз чигитни янги усулда экиб, машиналар билан парвариш қилмоқда. Об-ҳаво ноқулай келган 1958 йилда ҳам мўл ҳосил етиштирилди, гектаридан 40 центнердан пахта териб олдик.

Бригадамиз квадрат-уялаб чигит экмоқда, аммо пахтани машина билан теришга аҳамият берилмасди. Шунинг учун гектаридан 40 центнердан ҳосил олсак ҳам даромадимиз камайиб кетди. Чунки пахта асосан қўлда терилди, кўп маблағ сарфланди. Агар 50 процент пахтани машина билан терганимизда қисман ҳосил нобуд бўлмас, план барвақт бажарилар ва даромад ҳам ошар эди.

Бригадамиз бу йил юз гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экади. Давлатга 500 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олиб, умумхалқ мусобақасига қўшилганмиз. Бутун куч чигитни қулай фурсатларда сифатли экиб, текис унидириб олишга сафарбар этилди. Чигит сифатли тайёрланган ерларга экилмоқда, қатқалоққа қарши кураш кучайтирилди.

Чигит экишга қизғин киришилган шу кунларда Ғанишер Юнусовнинг пахтадан юқори ҳосил етиштириш тўғрисидаги чақириғи газетада эълон қилинди. Бу олижаноб ташаббусни ўз бригадамизда кенг муҳокама қилиб чиқдик. 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилдик. Ўша миқдорда ҳосил етиштириш учун бригадамизда етарли куч, техника ва унумдор ер бор. Биз Ўртоқ Юнусовнинг ташаббусини маъқуллаймиз. Ғўзани узунаси ва кўндалангига парвариш қилиш билан оз меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштирамиз. Ҳосилнинг 40 процени машинада терилади. Илгари машина кам, унинг камчиликлари катта эди. Мутахассисларимиз мукаммаллашган янги машиналар тайёрлаб бераётирлар. Бу, пахта теримини кенг кўламда машиналаштириш имкониятини беради. Бунинг учун биз пахтаси машина билан териладиган ерларга квадрат-уялаб чигит экаётирмиз.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Пискент районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Бригада бошлиқлари ўз участкасининг чинакам раҳбари бўлсин

Ҳозир колхозлардаги бригадалар хўжаликнинг бир-бир ярим миллион сўм даромад келтирадиган катта тармоғи бўлиб қолди. Масалан, бизнинг колхоздаги Ўртоқ Қурбон Раҳимов бошлиқ бригаданинг ўзида 105 гектар пахта майдони, 10 гектар беда, 6 гектар сабзавот, 2 гектар маккажўхори бор. Бундан ташқари бригадада 26 кути пилла қурти боқилади. Биргина пахтадан 388,5 тонна ҳосил олинади. Бригаданинг жамъи даромади 1,5 миллион сўмга етади.

Колхозимизда шу каби пахтачилик бригадалари 11 та, бундан ташқари битта сабзавотчилик, битта ҳашак тайёрлаш, иккита бог, битта қурилиш, иккита трактор бригадаси, чорвачилик фермаси ва гараж бор. Колхозимизнинг хўжалик тармоғи кенг. Шунинг учун колхоз раҳбарлари бу тармоқларга кўнгилдагидек раҳбарлик қилишлари қийин. Ҳамма бригадалардаги камчиликларни кўришга улгуриб бўлмайди. Аммо ҳар қайси бригада бошлиғи иш бошида бўлгани учун ўзининг ер шароитини ва ишнинг қандай кетаётганини доим билиб туради. Одамлардан, механизациядан қандай фойдаланиш тадбирларини кўради.

Кўриниб турибдики, бригада бошлиқларининг роли жуда катта. Улар колхоз хўжалигини бошқаришда асосий таянч. Улар колхоз ишлаб чиқариш участкаларининг командирлари. Ҳар бири ўз ўрнида мустақил раҳбар. Шунинг учун ҳам айни пайтда бригада бошлиқларининг ишига бефарқ қараб бўлмайди. Ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, беҳуда харажатларга йўл қўймаслик, меҳнатни тежаш, ишни тўғри ташкил этиш, агротехника қоидаларини амалга ошириш, ўғитдан, сувдан ўз вақтида унумли фойдаланиш асосан бригада бошлиқларининг қўлида.

Бригада бошлиқлари деҳқончиликка боғлиқ бўлган кўп масалаларни мустақил ҳал қилиб, ташаббус кўрсатиб ишлай оладиган кишилар бўлиши лозим. Биз ўз колхозимизда бригада бошлиқларининг худди шундай ишлашларига эришиш учун курашмоқдамиз. Муборак Йўлдошева, Қурбон Раҳимов, Эргаш Турсунов, Қаюм Тасҳўжаев, Қўшали Ўрозбоев, Саидориф Олимов каби кўп ўртоқлар колхозимизнинг энг ишончли, ташкилотчи бригада бошлиқлари бўлиб етишдилар.

Бундан колхоз раҳбарларининг роли пасайиб колади, деган хулоса чиқмайди.

Илгари биз ҳар куни бригада бошлиқларини йиғиб топшириқ бераверардик. Улар шунга қараб ишлар эдилар. Ҳозир биз бундай қилишдан воз кечдик. Колхоз раҳбарлари бригадаларда бўлган вақтларида кўрган камчиликларини ва зарур маслаҳатларни иш бошида бригада бошлиқларига айтадилар, бригада бошлиқлари бу гапларни ҳам, ўзи билган камчиликларни ҳам бартараф қилиш учун бригада аъзоларига кунига топшириқ бериб, унинг бажарилишини кузатиб борадилар.

Бригада бошлиқларининг ишларига бўлар-бўлмасга аралашбериш ижобий натижа бермайди, уларни гангитиб қўяди, мустақил ташаббус кўрсатиб ишлашларига халақит беради. Бундан айрим бригада бошлиқлари ишни бузиб қўйса ҳам, индамаслик керак, деган маъно чиқмайди, албатта. Шунга эришмоқ керакки, бригада бошлиқлари зарур ишни амалга ошириш ўрнига «раҳбарлар нима деяр экан» деб бўйруқ кутиб турадиган бўлмасинлар. Ҳар бир бригада бошлиғи ўз ишини ўзи билиб қиладиган бўлсин, ўзи ташаббус кўрсатсин.

Колхозлар жуда йириклашиб кетаётган ҳозирги шароитда бригада бошлиқларининг мустақил равишда, ишнинг кўзини билиб, ғайрат билан ишлашлари, айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Н. ҒИЕСОВ,
Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз раиси.

МАМЛАКАТГА 540 ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ



Колхоз правлениеси ўтган йили мени 5-бригадага бошлиқ қилиб тайинлади ва 90 гектар ер бириктириб берди. Меҳнатнинг янги формаси — тюпкочилар ҳаракатига қўшилиб, катта майдонларга квадрат-уялаб чигит экдик. Чигит 12—13 иш кунида экилди. Тор қаторлаб экилган ерлардаги чигитнинг 80 процени униб чиқиши билан ғўза машинада қирқилиб, квадратлар ҳосил қилинди. Биз ғўзани икки томонлама парвариш қилдик. Ғўзанинг бўйдор бўлиб кетишига йўл қўймадик. Натижада пахта башқа бригадаларга қараганда 10—15 кун илгари пишди. Биз 75 процент пахтани биринчи сортга топширдик. Йиллик план муддатидан илгари 124 процент бажарилди.

Колхозимизда ишчи кучи кам. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси бу йил трактор-далачилик бригадаларини кўпайтирди ва уларга тажрибали, моҳир тракторчиларни бошлиқ қилиб тайинлади. Бу йил бригадамиз ери 180 гектарга кўпайди, 4 звено ташкил қилдик.

Бригадамиз аъзолари КПСС XXI съезди қарорларидан илҳомланиб, тюпкочи илғор механизаторлар чақириғига жавобан бу йил гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириб, мамлакатга 540 тонна пахта етказиб бериш билан 3 миллион 50 минг тоннага муносиб ҳисса қўшамиз, деб қатъий кураш бошладилар.

Биз ваъдани амалий иш билан мустаҳкамламоқдамиз. Чигит экишга пухта тайёргарлик кўрилди, ерлар сифатли тайёрланди. Ҳавонинг ҳар бир қулай фурсатидан фойдаланиб, етилган ерларга танлаб чигит экаётирмиз. Чигит текис униб чиқиши билан ғўзани дарҳол ягана қилиб, парваришини кучайтирамиз. Гулистонлик машҳур пахтакор Ғанишер Юнусов бошлаган ташаббусни қўллаб-қувватлаб, ғўзани кетмонсиз узунаси ва кўндалангига парвариш қиламиз, пахта ҳосилини машина билан териб олишга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрамиз.

Ў. ЮСУПОВ,
Оққўрғон районидаги Жданов номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

Экиш сифатли ўтказилмоқда

«Полярная звезда» колхози аъзолари бу йил 1080 гектар ернинг 500 гектарига чигитни квадрат-уялаб экишга қарор қилган эдилар. Ҳозир бу ишда 8 та агрегат қатнашаётир.

Колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар ўз мақсадларига эришиш учун курашиб, экишни сифатли ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Чигит экилмаган майдонлар эса 7 та ҳайдов тракторлари билан бороналанмоқда.

Ҳамма бригадаларда «108 — ф» чигити экилаётир. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти экишнинг тез ва сифатли ўтиши учун барча бригадаларга, механизаторларга яхши шароит яратиб берган, оммавий-сиёсий ишлар ҳам тўғри йўлга қўйилган. Болалар боқчалари ва яслилари ишлаб турипти.

Чигит экишда қатнашаётган 13 универсал ва 11 ДТ — 24 тракторида ишлаётган колхозчиларнинг ҳаммаси кунлик нормаларини ортиғи билан бажаришга эришаётирлар. Экишни 18 апрелгача тугаллаш мўлжалланмоқда.

Колхознинг илғор бригадаларида Ўртоқ Ғанишер Юнусовнинг 50 центнерчилар ҳаракатини кучайтириш ҳақидаги очиқ хати ўқилиб, кенг муҳокама қилинмоқда. Бу бригадалар ўзларининг ички имкониятларини ҳисобга олиб, зиммаларига янги мажбуриятлар олишаяпти.

— Улуғ байрам — 1 Майгача ғўзанинг биринчи парваришини бошлаб юбормоқчимиз. Барча бригадаларимизда тўлиқ гектар ҳосил қилиш билан бирга, ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш мақсадида ҳозирдан бошлаб муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда,—дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ан Ир-ген,—шу билан бир қаторда бу йил биз ўтган йилги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, ҳосилни машина билан теришни кенг қўлланмоқчимиз, Ўртоқ Юнусовнинг чақириғига асосан механизациянинг кенг қўлланиб, меҳнат кунлари ва сарфланадиган маблағларни тежаб қолиш учун курашамиз.

А. ВАЛИЕВ,
Урта Чирчиқ райони.

Коммунист Тўраев бригадасида

Отамурод акани совхозда каттадан-кичик ҳамма ҳурмат қилади. Уни кўзлик деҳқон, уста пахтакор деб аташади. Еши 60 га яқинлашиб қолган, соч-соқолига оқ оралаган, ўрта бўйли, ғўладан келган бу кишининг суяги пахтачилик билан қотган, шу пахтачилик орқасидан обрў-эътибор орттирган.

Биз совхоз партия бюроси секретарининг кабинетида бўлган суҳбат вақтида коллективнинг партия XXI съезди қарорларини, етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун қандай кураш олиб бораётганлиги билан қизиқдик. Партбюро секретари ўртоқ Ш. Облақулов гапни тўғридан-тўғри совхознинг илғор кишиларидан бошлади.

Ана шу илғор кишилардан бири 2-бўлимнинг бригада бошлиғи коммунист ўртоқ Отамурод Тўраевдир. У, совхозда 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб келмоқда, 17 йилдан буён эса бригадага бошчилик қилади. Ўртоқ Тўраев бригадаси қатор йиллар мобайнида пахтадан энг юқори ҳосил етиштириб келаётир.

Айниқса КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин бригаданинг кўрсаткичлари йил сайин кўтарилиб борди.

Ўртоқ Тўраев мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида Марказком Пленуми томонидан қўйилган вазифани амалга ошириш учун кураш актив қатнашиш ўзининг коммунистик бурчи эканлигини яхши билар эди. Шу туфайли у, бригадада ишлаб чиқаришни ва меҳнатни тўғри ташкил этиш, пахта етиштиришнинг илғор, прогрессив усулларини кенг жорий қилишга катта эътибор берди. Бригада аъзоларининг ишлаб чиқаришдаги активлигини ошириш учун ҳаракат қилди.

Бу 1954 йилдаёқ яхши натижа берди, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинди ва ҳосилдорлик 1953 йилдагига нисбатан гектар бошига 5 центнер оширилди. 1955 йили эса гектаридан 41 центнердан ҳосил кўтарилди.

Партиямизнинг XX съезди шарафига ўртоқ Тўраев 120 гектар янги ер очиб, унда пахта етиштиришга сўз берди. Янги ерда ҳосил етиштиришнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлди. Лекин коммунистнинг иродаси ана шу қийинчиликлардан устун келди. Ўша йили ҳар гектар ерда 41 центнер, 1957 йили 42 центнер, ўтган йили эса 43 центнер ҳосил етиштирилди.



Бригадир Тўраев пахтачиликда орттирган кўп йиллик тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатмоқда, уларни ҳам ўзи каби уста пахтакор қилиб тарбиялаётир. Ахир Сулаймонов, Назарқулов, Назаралиев ўртоқлар совхоздаги ўрта мактабни тамомлаб, бригадада ишлай бошлаганларида жуда ёш, деҳқончиликдан ҳали яхши хабардор эмас эдилар. Ҳозир эса улар уста сувчи бўлиб етишдилар.

Ўтган йили бригада ишчиларининг болаларидан яна бир неча киши 10-синфни тамомлади ва бригада ишчилари сафига келиб қўшилди. Хурсан Тўраева ,Мукаррам Қорёгдиева, Собира Елқовова ўртоқлар шулар жумласидандир.

Отамурод акани кўриш ва у билан бу йилги ишлари ҳақида суҳбатлашиш истагида бригаданинг даласига борлик. Чунки идорада Тўраев далада, чигит экишга бошчилик қилаётир, дейишган эди.

— Отамурод ака мана шу киши бўладилар,—деди ўртоқ Облақулов, салом-алик, ҳорма-бор бўлдан кейин бизни ўртоқ Тўраев билан таништирар экан.

Отамурод ака илтимосимизга мувофиқ ўзининг галдаги режалари, бригада коллективи етти йиллик планни амалга ошириш учун белгилаган тадбирлар ҳақида қисқача гапириб берди.

Бу йил бригадада 140 гектар ерда пахта етиштирилади. Чигит барча майдонга квадрат-уялаб экилади ва ғўзага механизмлар билан икки томонлама ишлов берилади. Бригада ишчилари КПСС XXI съездининг қарорларини ва етти йиллик планнинг контроль рақамларини муҳокама қилар эканлар, етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йилда ҳар гектар ерда 45 центнер ҳосил етиштириш мажбуриятини олишибди. Бригадада 1965 йилга бориб пахта майдонини янгидан ўзлаштирилган ерлар ҳисобига бир мунча кенгайтириш ва ҳосилдорликни гектар бошига ўтган йилдагига нисбатан 8-10 центнер ошириш мўлжалланади.

Коммунист ўртоқ Муртоза Холбоев, шунингдек тажрибали механизатор Ҳаким Селематов ва Меҳмонбой Мамажонов ўртоқлар ҳозир жадал суръат билан чигит экаётирлар, квадратларнинг аниқ бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

— Биз, — деди ўртоқ Тўраев, — ҳар йилгидек бу йил ҳам чигит экишга яхши тайёргарлик кўрдик ва уни эрта бошлаб, ҳозиргача еримизнинг ярмидан кўпроғини экиб бўлдик. Экишни яна 2— 3 кун ичида тамомлаймиз.

Бу йил ҳосилнинг қарийб ярмини машиналарда теришга олишни планлаштираётирмиз. Шу мақсадда яхши текисланган 50 гектар ерни машина билан теришга ажратдик ва унга сифатли қилиб чигит экдик.

Суҳбатни тамомлаб, Отамурод ака ва бригада аъзолари билан хайрлашар эканмиз, уларга янги муваффақиятлар тиладик.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири, З.-«Боёвут» совхози.

ҒАНИШЕР ЮНУСОВНИНГ ТАШАББУСИНИ ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Бизнинг бригадада пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида механизациядан тўғри ва унумли фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бундан уч йил илгари бригадамиз тўла равишда хўжалик ҳисобига кўчди. Анча йиллардан бери машина билан пахта теришни давом эттираётирмиз. Ўтган йили юз гектар ердаги ғўзани икки томонлама ишлагаминиз учун об-ҳаво ноқулай келишига қарамай, ҳар гектар ердан давлатга 28,2 центнердан ҳосил топширишга эришдик.

Бу йил эса биз юз гектар ернинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экишни қизғин бошлаб юбордик. Бу ерларнинг ҳар гектаридан машҳур пахта устаси — Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи Ғанишер Юнусовнинг чақириғига қўшилиб, 35 центнердан, яъни ўтган йилга нисбатан ҳосилдорликни 7 центнерданга оширишга аҳд қилдик. Ғанишер Юнусовнинг чақириғи муҳокама қилинганда бригадамиз аъзолари буни яна бир марта қайд қиллилар.

Биз ҳосилдорликни ошириш билан бирга пахтанинг таннархини камайтириш учун ҳам курашмоқдамиз. Бунинг учун ғўзани икки томонлама парвариш қилиб, кетмон билан ишлашни кескин равишда қисқартирамиз. Пахтани асосан машинада териб оламиз.

Ўтган йили етиштирилган 282 тонна пахтанинг 140 тоннасини машина билан териб олдик. Бригадамизда бир центнер пахтанинг таннархи 170,6 сўмга тўғри келди. Ваҳоланки, қўшни 9-бригадада 1 центнер пахтанинг таннархи 475 сўмга тушди. Бизнинг бригадада бир меҳнат кунига 20 сўмлан, 9-бригадада эса 8 сўмдан пул тўланди. Чунки улар пахтани қўл билан терадилар, четдан келиб пахта терганларга қарийб 40 минг сўм сарфладилар. Биз эса бундай қилмадик.

Бу йил ҳам ҳосилдорликни ошириш билан бирга етиштирилган барча пахтамизни ёрдамчиларсиз машина воситасида териб олишга аҳд қилганмиз. Бу соҳада анчагина тажрибага эгамиз. Биз албатта, ўз аҳдимизнинг уддасидан чиқамиз.

А. ПОЛЮНИНА,
Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг 4-бригада бошлиғи.

Гулистонлик пахтакорлардан ўрнак олиб

«Оққўрғон» совхозидаги ўртоқ С. Ҳайитқулов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари бу йил 126 гектар ердан мўл ҳосил етиштиришга бел боғладилар. Шу мақсадда чигит барча майдонларга квадрат-уялаб экилмоқда.

Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Ғанишер Юнусов ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириш юзасидан барча ҳамкасбларига мурожаат қилганидан кейин бу бригада аъзолари ҳам ана шу ташаббусни қизғин маъқулладилар.

— Уларда бор техника, ишчи кучи, барча имконият бизда ҳам бор, — дедилар бригада аъзолари, — шундай экан, биз ҳам бу ҳаракатга қўшиламиз. Ўз шароитимизни ҳисобга олган ҳолда, ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун бугунданоқ янгичасига ишлаймиз.

Ҳозирги кунда бригадада чигит экиш қизғин бормоқда. Ҳар бир колхозчи экишнинг сифатли бўлиши учун курашаётир. Бу ишда механизатор Н. Азимбоев, Н. Абдурашидов ўртоқлар айниқса фидокорлик билан ишламоқдалар.

Илғор механизаторлар ўз зиммаларига мавсумда 100 гектардан ерга сифатли қилиб чигит экиб бериш мажбуриятини олганлар. Мусобақадошлар ана шу аҳднинг уддасидан чиқиш учун курашиб, кунига 7-8 гектардан ерга кўнгилдагидек қилиб чигит экаётирлар.

Бу йил бригадада ҳосилни машина билан теришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Колхозчилар машина билан пахта териш харажатларни камайтиришнинг гарови эканлигини эндиликда жуда яхши тушуниб етдилар. Шунинг учун ҳам ҳозирдан бошлаб бу соҳада яхши тайёргарлик кўрилмоқда.

Т. МАМАТОВ.

Чет элларда

АҚШда совет балетига қизиқиш жуда катта

НЬЮ-ЙОРК, 13 апрель. (ТАСС). СССР давлат академик Большой театрининг балет труппаси Нью-Йоркка келганлиги тўғрисида илгари хабар бериб ўтилган эди. Бу труппа Қўшма Штатлар ва Канада шаҳарларида 2 ой гастроль қилади.

АҚШ жамоатчилиги Большой театр балетининг гастролларига жуда қизиқмоқда. Импрессарио Юрок совет мухбирлари билан суҳбатда айтдики, чет эллардан келган артистларнинг концертларига шу қадар катта қизиқиш бўлганлигини 40 йилдан бери кўрмаган эдим. Нью-Йоркда қўйиладиган спектакларнинг ўзигагина бир миллионга яқин билет талаб этилди. Мамлакатнинг энг узоқ жойларидан, ҳатто Аляскадан ҳам талабномалар келмоқда. Бу машҳур балет усталарининг концертини кўришни истовчилар шу қадар кўпайиб кетдики, — дейди Юрок,— агар труппа уч йил сурункасига концерт берганида ҳам уни кўришни истаганларнинг ҳаммаси бу концертларни келиб кўришга улгуролмаган бўлур эдилар. Одамлар совет артистларининг қўшимча концертларига билет олмоқ учун кечалари билан келиб касса олдида ёмғир остида кўп соатлаб навбат кутмоқдалар.

Америка матбуоти ҳам халойиқнинг совет балетига шунчалик кўп қизиқаётганлигини қайд қилмоқда. Газеталар балет труппасининг бўладиган концертларига атаб катта-катта мақолалар ёзмоқдалар ва ҳатто газета саҳифаларини бағишламоқдалар. Масалан, «Кристчен сайенс монитор» газетаси кейинги сонларидан бирида бутун бир саҳифани эгаллаган «Хуш келибсиз, катта балет» деган катта сарлавҳа остида балет солистларининг бир қанча фотографияларини ва спектакллардан олинган кўринишларни, ўз театр танқидчисининг махсус мақоласи билан қўшиб берди. Бугун «Нью-Йорк геральд трибюн» ва «Нью-Йорк таймс» газеталари ўз театр обзорчиларининг мақолаларини босиб чиқардилар. Бу мақолаларда Большой театр балетининг концертларига қизиқиш ниҳоят даражада кучли эканлиги айтилади.

АҚШ ҒАРБИЙ ЕВРОПАГА РАКЕТАЛАР ЮБОРМОҚДА

БОННН, 13 апрель. (ТАСС). 1959 йил давомида АҚШ дан Ғарбий Европага «Матадор» типидаги ракеталар билан қуролланган 30 та ҳарбий бўлинма юборилади. Биринчи ҳарбий бўлинма 1 июлда Ғарбий Германияга етиб келади ва бу ерда ракеталар учирадиган аппаратлар тайёрлаб қўйилади.

МИЛИТАРИЗМ ВА ФАШИЗМНИНГ ҚАЙТАДАН ТИКЛАНИШИГА ҚАРШИ

ВАРШАВА, 13 апрель. (ТАСС). Кеча гитлерчиларнинг Майданекдаги собиқ қамоқ лагерида милитаризмнинг қайтадан тикланишига қарши кураш байроғи остида кўп кишилик митинг бўлди. Бу ерга Майданек, Освенцим лагерлари ва фашистларнинг бошқа ажал лагерларининг собиқ маҳбуслари, Люблин ва атроф кишлоқлардаги аҳоли, шунингдек СССР ва Германия Демократик Республикасининг делегациялари келдилар.

Митинг қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда Германия Федератив Республикасида милитаризм ва фашизмнинг қайтадан тикланишини қоралаб, ғарб давлатларидан Ғарбий Германия милитаризмини қўллаб-қувватлашга хотима беришни талаб қилдилар. Ғарбий Германия милитаризмини қўллаб-қувватлаш янги урушга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, митинг қатнашчилари СССР ҳукуматининг Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласи соҳасидаги ташаббусини ва Совет Иттифоқининг Европада ҳамда бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун изчиллик билан олиб бораётган курашини зўр мамнуният билан табрикладилар.

Фашистларнинг Штутоводаги собиқ қамоқ лагерида ҳам катта митинг ўтказилди. Бу митингда атрофтеваракдаги шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси, Гданьск воеводлигидаги саноат корхоналари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Совет Иттифоқи, Франция ва Германия Федератив Республикасининг делегациялари қатнашдилар.

Кельци воеводлигида Островецадаги собиқ қамоқ лагери территориясида ҳам кўп кишилик митинг бўлди.

«ИРОҚ ДУШМАНЛАРИ ИРОҚ ХАЛҚИНИ ЧЎЧИТОЛМАЙДИЛАР»

БАҒДОД, 13 апрель. (ТАСС). Илгари Ироқ халқининг миллий озодлик курашида қатнашган курдлардан бир группасининг ўз оилалари билан Совет Иттифоқидан ватанга қайтиб келаётганлиги тўғрисидаги хабарни Ироқ жамоатчилиги самимий кутиб олди. Ироқ халқи мамлакатда ички реакция кучларига қарши, шунингдек ажнабий золимларга қарши узоқ давом этган тенгсиз курашдан кейин 1947 йилда ўз ватанини ташлаб, аввало, Эронда, сўнгра эса, Совет Иттифоқида бошпана топишга мажбур бўлган ўз фарзандларини самимий кутиб олишга тайёрланмоқда.

«Иттиҳод-Ашшааб» газетаси уларни табриклаб мақола босиб чиқарди. Газета бу мақоласида «арабларнинг содиқ ва самимий дўсти — улуғ Совет Иттифоқи»га 12 йил мобайнида курд ватанпарварлари ва уларнинг оилаларига бошпана бериб, қардошларча ёрдам кўрсатганлиги учун қизғин ташаккур изҳор қилади. Шу билан бирга, мақолада ўз ватанига қайтиб келган курдлар ва уларнинг оилалари тушган совет теплоходи «Грузия»нинг Ироққа келиши муносабати билан ғарбдаги ва Бирлашган Араб Республикасидаги буржуа матбуотининг Ироқ Республикаси шаънига, қаҳр-газаб билан қилган ҳуружлари ва сохта гаплари фош қилинади. Газета «курд коммунистларининг қуролли отрядлари Ироқда террор қилиш ва ҳамма жойни вайрон қилиш учун Ироққа қайтмоқдалар» деган уйдирмаларга қақшатгич зарба беради. «Иттиҳод-Ашшааб» газетаси қаҳр-газаб билан қуйидагиларни ёзади: бундай таъналар лоақал шунинг учун ҳам ҳеч қандай заминга эга эмаски, совет теплоходи пассажирлари орасида 350 дан кўпроқ бола ва хотин-қизлар бор. Империалистлар ва уларнинг малайларининг таъналари, деб ёзади газета мақоланинг охирида, муқаррар барбод этилади. Ироқнинг душманлари Ироқ халқини чўчитолмайдилар ва унинг сафларини бузолмайдилар.

АҚШ бундесверга ракета қуролидан фойдаланишни ўргатмоқда

НЬЮ-ЙОРК, 13 апрель, (ТАСС). Ассоциэйтед Пресс агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради: Ғарбий Германия ҳарбий хизматчиларидан АҚШга келган яна бир группаси ҳозирги вақтда ракета қуролидан фойдаланишни ўрганмоқда. Бундесвер қадрларини АҚШ да махсус тайёрлаш 1956 йил январь ойида бошланган эди ва шундан бери 2 мингга яқин киши бу тайёргарликни ўтди. АҚШга келган янги группа составида Германия Федератив Республикасининг ҳарбий хизматчиларидан бир мингдан кўпроқ киши бор.

Мухбирнинг ёзишига қараганда, махсус вакиллар бу немислар Германия Федератив Республикасининг «жуда қисқа вақт ичида биринчи даражали ҳарбий давлат» бўлиб олишига ёрдам берадилар, деб айтмоқдалар. Мухбирнинг ёзишича, қуролнинг ва бошқа аяҳмларнинг энг янги типларини биладиган, шунингдек НАТО қуролли кучлари сифатидаги герман ҳарбий қисмларини ядро урушига тайёрлаш учун жавобгар бўлган кишилар Германия Федератив Республикаси бундесверининг ядросидир.

КИНО

Улуғ кашфиётнинг овози

Экранда юлдузларга тўла осмон. Нуқрадек ўт шиддат билан юксалиб бормоқда. Бу ўт металлдан инсон қўли билан ясалган мураккаб аппаратура бўлиб, инсоният тарихида биринчи марта Ер тортиш кучи доирасидан чиқиб, коинот сари мағрур бормоқда. Унинг номи Йўлдош. У 1957 йилнинг 4 октябрида тўғилди.

Бутун дунёдаги газеталар унинг тўғилганлиги ҳақидаги хабарни босиб чиқарадилар, радиолар улуғ фан кашфиётининг тафсилотларини сўзлайдилар, миллион-миллион кишилар эса дунёнинг ҳамма чеккасида юлдузлар орасида кичик бир нуқрадек бўлиб кўринадиган бу Йўлдошни ҳайрат билан кузатадилар, радио ҳаваскорлари эса унинг мағрур овозини завқ билан эшитадилар. Йўлдош совет олимларининг оламшумул ғалабасини дунёга маълум қилиб, учиб бормоқда. У, тилга кириб, ўзининг қандай яратилганлигини ҳикоя қилади...

Қизил Байроқ орденли Москва ҳужжатли фильмлар Марказий киностудияси яратган «Ер йўлдоши сўзлайди» фильмида дастлабки совет сунъий Ер Йўлдошининг ғалаба қилган социализм мамлакатидан парвоз қилиши ранг-баранг кадрлар, ҳужжатлар асосида баён қилинади.

Сценарий авторлари Сергей Герасимов, Э. Волк, В. Дорман, Г. Оганесян ўртоқлар, шоир Р. Рождественский хилма-хил киноҳужжатларни бир мазмун ипига тизиб, пафос билан ёзилган публицистик шеърлар орқали Йўлдошнинг овозини, улуғворлигини, башарият тарихида ўчмас из қолдиришини усталик билан ифода қилиб бера олганлар.

Инсоният ўзининг болалик чоғлариданоқ, яъни жамият тарихининг олтин давриданоқ киши коинотга парвоз қилиши ҳақида ўйлаган эди. Бирин-кетин кўҳна Юнонистон акрополлари, улуғвор Миср эҳромлари, инсон ақли-заковати билан яратилган баҳайбат Будда ва Шива ҳайкаллари, Римнинг ажойиб осор-атиқ ёдгорликлари, 2 минг йилдан бери яшаб келаётган Ливандаги улкан чархпалак, етти мўъжиза сирасига кирадиган мислсиз иншоотлар, ибодатхоналар, уларнинг ҳозирги кунлари қиёфалари кўз олдимиздан бир-бир ўтади. Ҳозир ҳам бу обидалар инсон ақлини банд қилиб келмоқда. Лекин совет олимлари ярэтган сунъий йўлдошлар, биринчи космик ракета ана шу ҳамма мўъжизалардан ҳам улуғроқдир.

Фильмдаги ҳар бир кадр, ҳар бир эпизод ана шу гояни бўрттириб талқин этишга қаратилган. Фильм авторлари уруш олови ёқувчиларни ҳам, фан ютуқларидан қирғинлик мақсадида фойдаланувчи қора кучларни ҳам кўрсатиб ўтадилар.

Фильмда Маркс ва Энгельс томонидан илмий коммунизм ғояларининг кашф этилишидан тортиб, унинг кенг меҳнаткашлар оммаси онгига сингиб, моддий кучга айланганлиги, мамлакатимиз босиб ўтган тарихий йўл, жаҳон меҳнаткашларининг тинчлик учун кураши, асрий эзгу орзуларнинг кушод бўлиши каби темалар қамраб олинган.

«Ер йўлдоши сўзлайди» ҳужжатли фильми неча-неча авлодларимизга мамлакатимиз олимлари, мутахассислари эришган улуғ кашфиёт ҳақида ҳикоя қилиб берувчи тарихий асар бўлиб қолади.

М. ЯҲЁЕВ.

ЧАМАН ИЧРА

М. Тўрсунхўжаев фото этюди.

Ногоҳ эсган шамол ўрик
гулларин
Ўпиб кетди, ғунча лабин
очмасдан.
Қиз лабидек қизарибман, илож
йўқ,
Зангор рўмол ёпиб ундан
қочмасдан.
Йўқса қўймас жоним, шамол
қитиқлаб,
Дудоғимдан ўпар ўрик гулидек,
Қабо ичра пинҳон тутай ўзимни,
Токи сўнсин қаҳри оташ
кулидек,—
Ушбу сўзни айтгач нозли
шафтоли
Кўмкўк рўмол билан ёпди
юзини.
Дайди шамол хўп алданиб
чекилди,
Кўрсатди сўнг кулиб яшнаб
ўзини.
Энди унинг мушкин сабо
тарқатар,
Чирой юзин яширмайди ундан
ҳеч.
Ноз қилади, енгил кулиб
боқади
Икки севги қадрдондир
эрта-кеч.
Ҳар гули шўх ханда этиб
шафтоли
Дейди: сабо халққа еткиз
саломим.
Шарбат берай, бол эрисин
оғзида,
Сахий ёзда келиб бўлсин
меҳмоним.
Тарбиялаб балоғатга етказган
Боғбон учун тўкай ширин мўл
ҳосил.
Йўқса қуруқ ёғоч бўлиб
ўсмоқдан
Айт-чи, сабо, дўстим мурод
не ҳосил?
Енгил эсиб гўзал баҳор шамоли
Сийпаб ўтди чаман гуллар
яроғин.
Шафтолининг новдалари
силкинди,
Хушбўй ҳидлар тутди
боғбоннинг боғин.

Усмон ЖОНГИТОВ.

Хитой тилини ўрганиш тўғараги

Совет-Хитой дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлими Тошкентдаги 59-мактабда хитой тилини ўрганиш тўғараги ташкил этди. Яқинда бу тўгаракнинг биринчи машғулоти бўлди. Мактабга хитой тилини ўрганишга қизиққан кўпгина кишилар тўпланишди. Улар орасида ўқитувчи Г. Акбарова, Ўрта Осиё Политехника институтининг студенти И. Миронов, «Союзпечать» хизматчиси Л. Бекшинов, уйрўзғор ишлари билан шуғулланувчи А. Лозаревская ва бошқа ўртоқлар бор.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультетининг ўқитувчиси ўртоқ Моложатова биринчи машғулотга йиғилганларга хитой тилининг тарихи ва ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида маданиятнинг ривожланиши ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, у янги хитой алфавити тўғрисида ҳам гапирди.

Бу тўгаракни ташкил этишдан мақсад хитой тилини ўрганишга қизиқувчиларга ёрдам бериш ва уларга шу тилда ёзиш ҳамда ўқиш учун бошланғич маълумотларни беришдир. Тўгарак машғулоти ҳафтанинг жума кунлари соат 7 дан бошланади. Ўртоқ Моложатова хитой тили грамматикаси билан боғлиқ бўлган темаларни ўргатса, шу мактабнинг хитой тили ўқитувчиси Г. Чжан эса Пекин университети томонидан чиқарилган китоб асосида амалий машғулотларни олиб боради.

Г. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Тошкентдаги 59-мактаб директори.

Лотерея билетлари муваффақият билан тарқатилмоқда

Республикамизда чиқарилган 1959 йилги пул-буюм лотереяси аҳоли ўртасида муваффақият билан тарқатилмоқда. Бу йилги лотерея билетларининг биринчи навбати — 900 минг сўм миқдорида чиқарилгани муддатидан олдин тарқатилиб бўлди. Бунинг сабаби шундаки, лотерея билетларига кўплаб турли ютуқлар чиқмоқда.

1958 йилги пул-буюм лотереясига Тошкент области бўйича 2 миллион сўмга яқин ютуқ тўланди. Янгийўл шаҳри ва Янгийўл райони меҳнаткашлари 170 минг сўм, Чирчиқ шаҳри меҳнаткашлари 180 минг сўм, Оҳангарон шаҳри меҳнаткашлари 139 минг сўм, Сирдарё райони меҳнаткашлари 112 минг сўм, Олмалиқ шаҳри аҳолиси 95 минг сўм ва Оржоникидзе райони меҳнаткашлари 82 минг сўм миқдорида турли ютуқлар олдилар.

Ана шу ютуқлар орасида қимматбаҳо, йирик буюмлар ҳам бор. Масалан, Янгиер шаҳар 5-СМУ ишчиси Содиқов лотерея билетига «Москвич» автомашинаси ютди. Мирзачўл районида беш киши оёқ тикув машинаси ютиб олди. «Октябрь» колхози аъзоларидан бири пианинога эга бўлди. Шунингдек Сирдарё, Оржоникидзе районларидаги айрим колхозчилар мотоцикл, пианино, «Олтинтопган» кони ишчиларидан кўп киши тикув машиналари, холодильник, аккордион, телевизор ва бошқа буюмлар ютиб олдилар.

Бу йилги лотерея билетларининг биринчи навбат тиражи бугун Оҳангарон шаҳрида ўтказилади. Ҳозир областимиздаги барча омонат кассаларида пул-буюм лотереясининг иккинчи навбати аҳолига тарқатилмоқда. Шунингдек лотерея билетлари барча магазинларда ҳам сотилаётир. Меҳнаткашлар шу йил 15 июнда Самарқандда ютуқлар тиражи ўтказиладиган иккинчи навбат чиқарилган лотерея билетларини ҳам кўплаб сотиб олмоқдалар.

Е. КОЛОДКИНА,
область омонат кассалар бошқармаси оператив бўлимининг старший инспектори.

Ёш биологлар кечаси

Яқинда Тошкентдаги 28-мактаб ўқитувчилари ва ёш мичуринчилар тўгарагининг иштирокчилари ташаббуси билан кеча ўтказилди. Кечада 9- синф ўқувчиларидан А. Мадумиров «Социалистик қишлоқ хўжалигида Мичурин таълимоти», М. Ризаева «Пиллачилик ҳақида» темаларида доклад қилдилар.

Кеча ўқувчиларнинг биология фанига қизиқишини янада орттирди. Кеча охирида мактабнинг бадиий ҳаваскорлари иҳросида концерт кўрсатилди.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Телевизор экранида

16 АПРЕЛДА

19.30. Ўрта ёшдаги ўқувчилар учун ўзбек тилида «Чевар қўллар» деган эшиттириш.

19.50. Халқаро обзор.

20.05. Бадиий фильм — «Чирва — Козирнинг тугаши».

21.35. Сўнгги ахборот.

21.55. Қишлоқ хўжалик фильмлари кинофестивали — «Маккажўхори ҳақида ҳикоя» фильми.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

БУГУН АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ

Африка мустақиллик учун курашда

Бугун прогрессив жаҳон афкор оммаси Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик Кенгашининг қарорига мувофиқ 15 апрелни «Африка озодлиги куни» сифатида нишонлайдилар.

Ҳозирги замон Африкасининг аҳолиси 200 млн. кишидан иборат бўлиб, унинг территорияси ер юзидаги қуруқликнинг бешдан бир қисмини ташкил этади.

Мустамлакачилик зулми остида чексиз азоб-уқубат тортиб келаётган, жаҳондаги табиий бойликларнинг битмас-туганмас манбаи бўлган Африка 150 йилдан буён ғарб империалистларининг ҳомашё базаси ва капитализмнинг ишонган резерви бўлиб келмоқда.

Африка — қимматбаҳо табиий бойликларга жуда бой бўлган бир қитъадир. К йинги йилларда Африкада олиб борилган илмий тадқиқот ва геологик қидириш ишлари туфайли бу материкда ғоят катта табиий бойликлар запаси борлиги аниқланди. Капиталистик дунёда ишлаб чиқариладиган олмоснинг 98 проценти, кобальтнинг 80 проценти, олтиннинг 58 проценти, хромнинг 40 проценти, марганецнинг 36 проценти, сурманинг 41 проценти, фосфатнинг 32 проценти, миснинг 27 проценти, пальма ёғининг 66 проценти ва уран рудасининг бешдан тўрт қисми мана шу континентдан чиқарилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Африканинг Саҳройи Кабири—«қора олтин» хазинаси ҳамдир. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра ва Америка «Синклер ойл» нефть компаниясининг аниқлашича Саҳройи Кабирнинг бир йилда берадиган нефти 50 млн. тоннага яқинлашади. Саҳройи Кабирнинг шимолида унча катта бўлмаган бир районда эса 100 млн. тонна нефть запаси борлиги аниқланди. Шу билан бирга бу ерда 4 миллиард тонна кўмир ва Лотарингия темир рудаси запасига тенг келадиган темир рудаси запаси ҳам топилди.

Ана шундай табиий бойликларга чексиз бой бўлган бу қитъа XVIII аср охири ва XIX аср бошларидан бошлаб, Франция, Португалия, Англия, Испания, Италия, Бельгия, Голландия ва бошқа мустамлакачи давлатларнинг ўзаро қонли курашлари натижасида улар ўртасида парчаланиб мустамлака, протекторат ва ҳомийликларга бўлиниб, халқи эса, мустамлакачилик занжирида кишанлаб қўйилган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Шарқ халқлари тарихий тақдирига оламшумул таъсири натижасида Шарқнинг уйғониши ва иккинчи жаҳон урушидан кейин илгари мустамлака зулмига гирифтор бўлган мазлум Шарқ халқларининг мустақилликка эришишлари ниҳоят, Миср, Сурия (ҳозирги Бирлашган Араб Республикаси) ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатларининг сўнмас алангаси Африкага ҳам ўтди, «қора қитъа»да империализмнинг мудҳиш зулмига қарши миллионларча омма озодлик учун кураш байроғини баланд кўтарди.

Ғарб мустамлакачиларининг «биз африка халқига нисбатан «цивилизаторлик» миссиясини адо этмоқдамиз!» деб жар солишлари, уларнинг бу «миссия»си африка халқига нисбатан ваҳшийлик ва қоронгуликлан бўлак ҳеч нарса келтирмади. Бунинг далили учун бир-икки мисол келтириш кифоядир. Масалан, Британия мустамлакаси бўлган Камерунда аҳолининг 90 проценти саводсиз, 70 проценти безгак касалига мубталадир. Аҳолиси даволаш учун мамлакатда 1954 йил ҳисоби билан атиги 23 врач бўлган. Аҳолиси 2,6 млн.дан иборат бўлган Англия протекторати Ньясаленда эса атиги 77 врач бор, холос.

Франциянинг Ғарбий Африка мустамлакасида аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу ерда 1 млн. кишига бир касалхона, 28 минг кишига бир врач тўғри келади. Бундан ташқари Португалия мустамлакаси Ангола, Мозамбик ва Африканинг айрим жойларида қулдорлик ва крепостнойлик тартиблари сақланиб келмоқда. Деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларнинг асосий қисми европали мустамлакачилар қўлиладир. Кенияда 5,5 млн. маҳаллий халққа 50 минг кв. миль ер тўғри келган бўлса, 4 минг европаликка эса, 17 минг кв. миль ер тўғри келади.

Эзилган Африка халқлари мустамлакачиларнинг бу кирдикорларига ортиқча чидаб туролмайди. Халқнинг узоқ даврлардан буён бардош бериб келган сабр косаси тўлди. Энди Африка XIX асрдаги Африка эмас, бу янги Африка, озодлик, мустақиллик учун курашга қаттиқ бел боғлаган, миллий-озодлик ҳаракати гуруллаб кўтарилаётган Африкадир. Фақат шу йилнинг ўзида Бельгия Конгоси ва Ньясаленда мустамлакачиларнинг мудҳиш сиёсатига қарши кўтарилган шиддатли халқ қуролли қўзғолонлари бунинг далили бўла олади.

Англия, Франция ва АҚШ бошлиқ мустамлакачи давлатлар бу қитъада кўтарилган озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш, Африкани мустамлакачилик режимининг энг сўнгги таянчи сифатида сақлаб қолиш учун турли тадбирларни ишга солмоқдалар. Ана шундай тадбирлардан бири Еврафрика тузиш планидир.

Империалистик давлатларнинг Еврафрика уюшмасини тузишга уринишининг сабаби нима? Биринчидан Африка қитъасидаги табиий ва моддий бойликларни талон-торож қилиш, иккинчидан миллий-озодлик ҳаракатига путур етказиш, учинчидан, Ғарбий Европа буржуазиясининг америка монополистлари томонидан иқтисодий ва сиёсий қарамлигини сусайтириш, ниҳоят тўртинчидан Африка континентини бўлажак урушда НАТО нинг ҳарбий плацдарми сифатида фойдаланишдир.

Америка Қўшма Штатлари ўз навбатида Африка қитъасидан инглиз, француз ва бельгия мустамлакачиларини бирин-кетин суриб чиқариб, танҳо ўзи ҳукмронликни қўлга олмоқчи. Шунинг учун ҳам Америка вице-президенти Никсон каби олий мансабдаги кишининг 1957 йил март ойида Африканинг 8 мамлакатини кезиб чиқиши бечиз эмас. Улар африка халқига иқтисодий «ёрдам» бериш, «конституция»лар бериш ва «реформа»лар ўтказиш тўғрисида вайсаб халқни йўлдан тойдирмоқчилар.

Бу қитъада кун сайин авж олиб бораётган миллий мустақилик кураши туфайли Африканинг сиёсий картаси ўзгариб бормоқда. Илгари мустамлакачиликнинг мудҳиш рангига бўялган давлатлар ўрнига янги — мустақил суверен давлатлар пайдо бўлмоқда.

Агар иккинчи жаҳон урушидан илгари Африка қитъасида фақат Эфиопия ва Либерия мустақил давлат ҳисобланган бўлса, кейинги бирнеча йил ичида Миср Ливия, Судан, Гана, Марокаш ва Тунис мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритилар. Ўтган йили жаҳон жамоатчилиги Гвинея республикасининг ташкил бўлганлигини зўр мамнуният билан кутиб олди.

1958 йил 23 ноябрда эса Гана давлати билан Гвинея республикаси бирлашиб, Ғарбий Африка Қўшма штатини туздилар.

Эндиликда Африка территорияси да аҳолиси 91,5 млн. кишидан иборат бўлган 9 давлат мустақилликка эришди. Бироқ бу қитъада аҳолининг 100 млн. дан ортиғини ташкил қиладиган 30 га яқин мамлакат ва территориялар ҳозир ҳам мустамлакачиларнинг қонхўр чангалида азоб чекмоқдалар.

Қаҳрамон Жазоир халқи 5 йилдан буён озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонларча курашмоқда. Камерун, Таньганика, Угандо, Тога, Мадагаскар, Руанда — Урунди ва Африканинг бошқа территориясида яшовчи халқлар миллий мустақиллик беришни талаб қилмоқдалар. Кения, Нигерия, Жанубий Африка Иттифоқи, Сьерра — Леонеда ва Марказий Африкада мустамлакачиларнинг террор репрессия сиёсатини авж олдиришига қарамай, миллий-озодлик кураши кенг қулоч ёйиб бормоқда. Африкадаги бу ҳаракатга касаба союз ва бошқа ҳар хил прогрессив ташкилотлар раҳбарлик қилмоқда. 12 млн. дан иборат бўлган Африка ишчилари бу курашга алоҳида таъсир кўрсатмоқдалар.

Осиё ва Африка халқлари Бандунг, Коҳира конференциялари ва 1958 йил апрель ва декабрь ойларида Гана пойтахти Аккра шаҳрида чақирилган Африка давлатлари конференциясида мустамлакачилик режимининг ҳарқандай кўринишини қоралаб, африка халқига мустақиллик беришни қаттиқ туриб талаб қилдилар.

Африка халқининг бу адолатли кураши КПСС XXI съездининг халқларнинг ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашида ҳозир янги босқич бошланди деган кўрсатмасини тўла исботлайди.

М. НИШОНОВ.

«ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

13 апрелда Марказий «Пахтакор» стадионида «Б» классида мамлакат биринчилиги учун курашадиган «Звезда» (Пермь) ва «Пахтакор» (Тошкент) командаларининг ўртоқлик учрашуви бўлди. Учрашув 1:0 ҳисоби билан «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IV да **Ганг дарёсининг қизи**, 16/IV да **Хуррият**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IV да **Маскарад**, 16/IV **Флория Тоска**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IV да **Равшан ва Зулхумор**, 16/IV да **Олтин кўл**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 18 ва 19/IV кеч соат 8 яримда **Ўзбекистон санъат усталари концерти**. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Аттракционлар: **Тереза Дурова** ўргатган ҳайвонлари билан, **Доғистон «Цовкра» дорбозлари**, полвон **Рублев** ва бошқа номерлар.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН» — кундуз ва кечқурун янги кенг экранли бадиий фильм **Булутли тонг** (3-серия).

«ИСКРА» — кеч соат 5 гача **Поп Чира билан поп Спира**; кеч 5 дан **Фотима**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Тайга бойчечаги** вақти, кеч соат 10 да **Евгений Онегин**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Поп Чира билан поп Спира**, кундуз соат 11-35 ва кеч 7-35 минутда **Шамол**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 11 ва кеч 5 да **Поп Чира билан поп Спира**, кундуз 1 ва кеч 9 да **Бу воқеа Пеньковда бўлган эди**, кундуз 3, кеч 7 ва 10 яримда **Евгений Онегин**.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ «ВАТАН» ВА ЕЗГИ «ИСКРА» КИНОТЕАТРЛАРИДА КЎРСАТИШ УЧУН

Булутли тонг

НОМЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРДИ.

(**Алексей Толстойнинг** «Сарсон-саргардонликда» деган трилогияси бўйича учинчи серия)

Сценарий автори — **Борис Чирсков**.

Постановкачи — **Григорий Рошаль**.

Бош оператор — **Леонид Косматов**.

РОЛЛАРДА:

П. Винников, Р. Нифонтова, Н. Веселовская, В. Медведев, Н. Гриценко, М. Булгакова, Л. Соколова, Н. Кустинская, Н. Мордюкова, В. Авдюшко, Б. Андреев, А. Соловьёв, Л. Пархоменко, В. Матвеев, В. Белакуров, В. Таскин, В. Адаменколар, қатнашади. фильмни «Мосфильм» киностудияси 1959 йилда ишлаган.

Билетлар сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими, — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретари ат — 29040, 115, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р05149. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б. 1572.